



Мамаризо НУРМУРАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси:

– Марказий банкнинг асосий ставкаси (олдинги қайта молиялаш ставкаси) ўзгартирилган тақдирда унинг жорий кредитларга таъсири шартномада белгиланган шартлар асосида бўлади. Хусусан, тижорат банклари ва мижозлар ўртасида ўзгармас фоиз ставкаларида тузилган шартномаларга Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгаришлари таъсир этмайди.

Банклар ва мижозлар ўртасида тузилган ўзгарувчан фоиз ставкали, хусусан, Марказий банк асосий ставкасига боғланган ҳолда тузилган фоиз ставкалари шартномаларга таъсири эса ушбу шартномада келишилган шартлар ёки кредит ажратиш бўйича тегишли Низом талабларига мувофиқ бўлади.

Давоми 3-саҳифада.

АСОСИЙ СТАВКАНИНГ ўзгариши НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

САНКЦИЯ

ХАВОТИРЛАР УРИНЛИ... (МИ?)

АТРОФИДАГИ МУҲОКАМАЛАР:

4

ИМПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ

ШАКАР

ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ

5

«ҲАР БАЙРАМДА ШУ БЎЛАР ТАҚРОР...»

7

БЕХАЁ РЕКЛАМАЛАР

ТУФАЙЛИ ТЕЛЕВИЗОР КЎРИБ БЎЛМАЯПТИ

8

ТАНЛОВ ЖАРАЁНИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ЭМАС...

11

Нархи ошса, уйга БУҒДОЙ тўлмай қоладими?

13

ЎЗБЕКИСТОНГА ФАҚАТ ЗАҲАРИ БОР маҳсулотлар керакми?

16

МАҲАЛЛА РАИСИГА

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 1 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳалла институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қиёсасини тубдан яхшилашга қаратилган кўплаб янги ташаббуслар илгари сурилиб, аниқ вазифалар белгилаб берилгани нафақат маҳаллалар, балки юртимиз ҳаётига дахлдор тарихий воқеа бўлди.

Мансур АБДУСАТТОНОВ.

Президентимизнинг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, ҳеч бир истисносиз, ҳар бир юртошимиз ҳаётида марказий ўрин тутадиган мазкур муҳим соҳалар тараққиётида бутунлай янги даврни бошлаб бермоқда.

Маҳаллалар билан янги асосда ишлаш, жамиятимиз файзи бўлган нуруний ва кексаларимизга муносиб эътибор кўрсатиш бўйича бундай ёндашув кузланган натижани бериши, «инсон қадри учун» гоёсини тўла рўёбга чиқариши шубҳасиз. Нега деганда, қабул қилинган янги дастурий ҳужжатларда ҳаммаси аниқ-равшан белгилаб берилган, амалий тизим пухта ўйланган.

Эндиликда маҳалла институти зиммасига юкланаётган бири-биридан муҳим вазифаларга мос равишда кенг ҳуқуқ ва ваколатлар, зарур моддий-техник имкониятлар яратиб берилмоқда. Маҳаллалар ҳаётнинг ўзгариш ва ислохотларнинг энг қайноқ нуқтасига айланмоқда. Аҳоли муаммоларини комплекс ҳал этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, жиноятчиликни камайтириш, ёш авлодга сифатли таълим ва тарбия бериш каби кўплаб соҳа ва йўналишлар ривожига энг қуйи бундан бошлаб жиддий эътибор қаратилади.

Бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига муҳим

МАҲАЛЛА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТ

БЕРИЛДИ, МАЖБҮРИЯТ ЮКЛАТИЛДИ



ваколатлар ҳам берилганки, бу шубҳасиз, уларнинг халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасидаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади. Дейлик, маҳалла раиси ҳудуддаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори фаолиятини ўзаро ҳамкорликда, уйғун ҳолда ташкил этиш учун масъул этиб белгилангани бир мушт бўлиб, аниқ мақсад сари биргаликда ҳаракат қилиш, кўпроқ амалий натижаларга эришиш имконини беради.

Ишни энг қуйи бўғинда йўлга қўйиш, республика, вилоят даражасидаги раҳбар ва фаолларнинг, авваламбор, олис маҳаллаларда бўлиши яхши самара бериши – бу кейинги беш йиллик ҳаётимизда такрор ва такрор ўз исботини топган ҳақиқат аслида. Бунга Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги маҳаллаларда кечган жараёнлар мисолида ҳам аяққол кўришимиз мумкин.

Бугун ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада ташаббус кўрсатиш — маҳалла раисларидан даврнинг ўзи талаб этаётган мезон. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз томонидан имзоланган ҳужжатга мувофиқ, маҳалла раислари янги асосда иш бошламоқда. Маҳалла раислари янги ваколатлар асосида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш

Маҳалла аждодларимизнинг юксак тафаккурини, урф-одатлар ва анъаналарини ўзида мужассам этган, жаҳон аҳли ҳавас қиладиган эзгу қадриятларимиз кўзгусидир. Бугунги кунда бу ноёб тузилмага янги маъно-мазмун бахш этилаётгани инсон қадрини улуглаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, эртанги кунга ишонч билан ҳаракат қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

бўйича ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Ўз-ўзидан равшанки, ҳуқуқ ва ваколат билан бирга аҳоли, жамоатчилик олдида бурч ва мажбурият ҳам пайдо бўлмоқда.

Мана, масалан, туманда чорвачилик кластери иш бошлади. Янги корхонага ишчилар зарур. «Яшнобод» маҳалла масъуллари ишсиз ёшлар рўйхатини тузиб, корхонага ишга жойлаштиришди. Улардан айримлари бу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлган бўлса, айримларини курсларда қўшимча ўқиши ташкил этилди. Ҳудудда саноатни ривожлантириш, аҳолига сифатли

ва мақбул нархларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари етказиб бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган мажмуада замонавий ферма, қушхона ва гўштни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Чиноз — бой деҳқончилик анъаналарига эга туман. Ер тилини билладиган миришкорлар кўп. Аммо ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, изланиш, интилиш ҳар кунни керак. Шу боис маҳалла раиси бош бўлиб, томорқалардан фойдаланишни янги, юқори босқичга олиб чиқиш, замонавий қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишда аҳолига энг яқин кўмакчи бўлмоқда. Бугунги кунга келиб маҳаллалардаги кўплаб

хонадонларда иссиқхоналар мавжуд. Етиштирилган маҳсулотга харидор топиш, хўжаликларни кенгайтириш, имтиёзли кредит олиш сингари кўплаб йўналишларда ёрдам берилмоқда. Шу асосда илгари ишсиз бўлган аҳоли бандлиги таъминланапти.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан Президент Халқ қабулхоналари ҳам фаолиятини маҳаллалар кесимида ташкил этиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ўзвий ҳамкорликда иш олиб бораётгани маҳаллаларга катта мадад бўлиши билан бирга, аҳоли муаммолари ва муурожаатлари билан ишлаш сифатини оширади. Муаммоларни ҳар бир ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳал этиш учун ресурсларни аниқ йўналтириш имконини беради.

Яна ёшлар мавзусига тўхталадиган бўлсак, уларнинг буш вақти мазмунли, фойдали ва, албатта, қизиқarli ўтиши учун, авваламбор, маҳаллада шароит яратиш керак. Мазкур долзарб вазифа маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига ишониб топширилган. Чиноз маҳаллаларида бу борада аниқ режа асосида иш олиб борилаётган. Ранг-баранг кўрик-танловлар, кўргазмали чиқишлар, халқ уйинлари, ижодий беллашувлар, оммавий

спорт тадбирлари ўтказилаётгани ўсиб келаётган ёшлар учун ҳар томонлама фойдалидир.

Маҳаллаларда ижтимоий муҳитни яхшилаш аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Шу боис Президентимиз кўрсатмасига кўра, бу жиддий масалага устувор вазифа сифатида эътибор берилади. Аҳолини ёш тоифаларидан келиб чиқиб, мунтазам тиббий кўриклардан ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юқори технологик тиббий ёрдамни имкон қадар маҳаллалар даражасига таъминлаш юзасидан аниқ муаммолари ва муурожаатлари билан ишлаш сифатини оширади. Муаммоларни ҳар бир ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил қилиш ҳамда уларни ҳал этиш учун ресурсларни аниқ йўналтириш имконини беради.

Яна ёшлар мавзусига тўхталадиган бўлсак, уларнинг буш вақти мазмунли, фойдали ва, албатта, қизиқarli ўтиши учун, авваламбор, маҳаллада шароит яратиш керак. Мазкур долзарб вазифа маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига ишониб топширилган. Чиноз маҳаллаларида бу борада аниқ режа асосида иш олиб борилаётган. Ранг-баранг кўрик-танловлар, кўргазмали чиқишлар, халқ уйинлари, ижодий беллашувлар, оммавий

МАНЗАРА

«Маҳаллабай» тизим асосида барча бирдек ишламаяпти...

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида 2017 йилдан бери ишлайман. Ўтган йиллар давомида соҳа бўйича етарли тажрибага эга бўлдим.

Абдубоқи ҲАЙДАРОВ,
Кўштепа туманидаги «Файз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Айниқса, Президентимиз томонидан 2022 йил 1 мартда қабул қилинган «Маҳалла ва нурунийларнинг қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори тизимда мутлақо янги ислохотларга йўл очди.

Жумладан, маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари штати жорий этилган, ишимиз анча осонлашди. Жумладан, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар руҳияти қайта шакллантирилиб, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатила бошлади. Масалан, маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда дастлабки хатлов натижаси

кўра, эҳтиёжманд оилаларга тикув машинаси учун кредит маблағлари олиб бердик. Муаммо: Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллаларда «маҳаллабай» тизими йўлга қўйилди. Биз жуда хурсанд бўлгандик. Лекин амалда айтилган ишлар бўлмапти. Ҳамкор ташкилотлар аввалги каби эътиборсиз бўлмоқда. Фақат банк ходимларигина уйма-уй юриб, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам бермоқда. Уйлаймизки, янги тизим асосида қуйи бугун раҳбарлари ҳам маҳалламиздаги муаммоларга ечим топишда кўмак кўрсатишади.

Маҳалламизнинг асосий муаммоси — кўчаларни асфальтлашни ўзимиз ҳашар йўли билан қилдик. Яна бир ечилиши керак бўлган масала ҳамон очиқ қолмоқда. Яъни тоза ичимлик суви маҳалламизга келмаган.

Тақлиф: маҳалламиз биноси катта бўлиб, 7 хонадан иборат. Табиийки, бу хоналарни ҳар кун тозалаш, ҳовлимизни ободонлаштириш ҳам қўшимча куч талаб қилади. Ҳозир бу ишларни ҳам навбатма-навбат ўзимиз бажаряпмиз.

Шу боис ҳужжат ишларини юритишга ва тозаланикни таъминлашга қўшимча штат ажратилса, яхши бўларди.

Ободликка юз тутган «Яккатом»

Тўрақўрғондаги «Яккатом» — қадим Ахсининг юраги, халқи меҳнаткаш маҳалла. Бу ерда «Обод қишлоқ» дастури асосида 11,23 миллиард сўм эвазига кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ичимлик суви, электр энергияси таъминоти яхшиланди. Тунги еритиш чироқлари ўрнатилди. 6 км. ички йўл асфальтланади, 7 тупроқ йўл шағалланди.

22-мактаб мукамал таъмирланди, маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога эга бўлди. Аини пайтда «Ахси сайидлари» илмий-маърифий мажмуасида кенг кўламли



бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда тез орада хунармандчилик ва хатлотлик мактаби, музей ва комёе масжидининг янги биноси қад кўтаради.

Ҳар бир нуруний — ўн нафар ёшга мураббий



Самарқанд шаҳридаги «Обод маскан» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ҳар бир нуруний — ўн нафар ёшга мураббий» шиори остида кексалар ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда маҳалла ходимлари, ҳудуддаги мактаб фаоллари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг жамоатчи инспектори ҳамда нурунийлар ва уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Нурунийлар ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари билан ёшларга Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат руҳида камол топиши учун маслаҳатлар беришди. Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга кекса нурунийлар томонидан ташаккурнома ва бадий китоблар берилди.

Асосий ставканинг ошиши банклар томонидан фуқароларга тақдим қилинадиган кредитлар фоизларининг ҳам ошишига таъсир ўтказлади.

17 фоизлик ставка фақат янги молиялаштириладиган кредитларга нисбатан қўлланилади.

АСОСИЙ СТАВКАНИНГ ЎЗГАРИШИ



Саъжар ИСМАТОВ таъбирлади.

НИМАНИ АНГЛТАДИ

2022 йил 17 март куни Марказий банк бошқаруви асосий ставкани 3 фоизга ошириб, йиллик 17 фоиз даражасида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Марказий банк ахборотига кўра, ташқи иқтисодий шароитларда юзага келган юқори ноаниқлик ва кескинликлар фондида девальвацион ва инфляцион кутилмалар ўсишининг олдини олиш, миллий валютада жамғариш фаолигини сақлаб қолиш ҳамда ташқи хатарларнинг иқтисодий таъсирини юмшатиш орқали мамлакатда макроиқтисодий ва моливий барқарорликни таъминлаш мақсадида шундай қарор қабул қилинган.

Айтиб ўтиш ўринли, Марказий банк 2020 йил 10 сентябрдан ҳозирга қадар асосий ставкани 14 фоиз даражасида ушлаб турганди. Ундан олдин 2020 йилнинг апрелида регулятор асосий ставкани 16 фоиздан 15 фоизгача тушурган эди. Ҳўш, асосий ставканинг ошиши нималарга олиб келади? Кредитлар фоизлари қанчага ошади? Аввалги кредитлар бўйича ҳам фоиз қиймати ўзгарадими?

АСОСИЙ СТАВКА НИМА ЎЗИ?

Марказий банк асосий ставкаси – пул-кредит сисъатининг асосий воситаси бўлиб, пул бозорида банклараро номинал фоиз ставкаларини тартибга солиш имконини беради. Асосий ставка даражаси пул-кредит сисъати шароитлари, жорий ва кутилаётган инфляция даражаси ҳамда макроиқтисодий ҳолатни инобатга олган ҳолда белгиланади. Одатда, агар инфляция даражаси кўтарилса, Марказий банк ҳам асосий ставкани кўтаради. Инфляция даражаси пасайса, асосий ставка ҳам пасайтирилади.

Асосий ставканинг кўтарилиши банклар томонидан депозит ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш экъимоллини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, банклараро ва умуман олганда, пул бозорида маблағларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларнинг ошишига олиб келади.

Аксинча ҳолатда – ставканинг пасайиши ортидан банклараро пул бозорида пул маблағларини жалб этиш арзонлашади. Бу эса юқори бўлмаган фоиз ставкаларида кредитлар ажратиш орқали аҳоли ва тадбиркорлар учун моливий манбаларнинг мақбуллаштиришига сабаб бўлади.

Содда қилиб айтганда, Марказий банк белгилаган асосий ставкадан келиб чиқиб, тижорат банкларига кредит беради. Ўз навбатида тижорат банклари олинган пулга ўз фоизини қўшиб жисмоний ва юридик шахсларга кредит ёки қарз кўринишида қайта тарқатади. Асосий ставканинг ошиши банклар томонидан фуқароларга тақдим қилинадиган кредитлар фоизларининг ҳам ошишига таъсир ўтказлади.

МАРКАЗИЙ БАНК ҚАРОРИНИ ИЗОХЛАДИ

Марказий банк асосий ставканинг оширилишини изоҳлар экан, асосий савдо-ҳамкор давлатларда кузатилаётган иқтисодий вазият, уларнинг валюта курсларидаги кескин тебранишлар, жаҳон хомашё ва энергия бозорларида нархларнинг ўсиши макроиқтисодий жиҳатдан ноаниқликлар ва хатарларни ошираётганини айтиди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида ўтказилган сўровлар уларнинг девальвацион кутилмаларида сезиларли ўсиш кузатилаётганини курсатган.

Айни пайтда мазкур омиллар турли каналлар орқали ички макроиқтисодий барқарорликка қисқа ва ўрта муддатли истиқболда салбий таъсир кўрсатади.

Бунда қисқа муддатли таъсирлар экспортдан тушумлар ва мамлакатимизга пул ўтказмалари ҳажмининг камайиши ҳисобига ички валюта бозорида таклифнинг қисқаришида, импорт қилинадиган истеъмол товарлари нархининг қимматлашиши орқали ички нархларнинг ўзгаришида намоён бўлса, ўрта муддатли таъсирлар ташқи ва ички талабнинг қисқариши ҳисобига иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига тегишли босим кўрсатади.

Қайд этилишича, миллий валюта курси динамикасида ташқи хатарлар ва девальвацион босимлар таъсирларига жавобан тўғриланган кузатилиб, жорий йил бошидан сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси 6,8 фоизга қадрсизланди (таққослаш учун, бугун 2021 йил давомида сўмнинг долларга нисбатан девальвацияси 3,4 фоиз бўлган). Келгусида бозорда барқарорликни таъминлаш мақсадида тегишли инвервенциялар амалга оширилиб, миллий валюта курсининг кескин тебранишларининг олдини олиш чоралари курилади. Асосий ставканинг оширилиши ҳам юзага келаётган қисқа муддатли салбий таъсирларни (шокларни) юмшатишга қаратилган.

Айтиш керакки, Россия – Украина зиддияти ортидан асосий ставканинг ошиши фақат Ўзбекистонда кузатилмади. 24 февраль куни Қозғистон Марказий банки фоиз ставкасини 3,25 фоиз бандга ошириб, 13,5 фоиз этиб белгилади. 28 февралда эса Россия Марказий банки фоиз ставкасини 9,5 фоиздан 20 фоизгача кўтарди. Ҳудди шу кунги Қирғизистон Марказий банки ҳам асосий фоиз ставкасини 8,5 фоиздан 10 фоизгача оширди.

ОЛДИНГИ КРЕДИТЛАР ФОИЗИ ҲАМ ОШАДИМИ?

Юқоридегиларни содда тилда тушунтирсак, асосий ставканинг оширилиши сўм курсининг барқарорлашиши (сўмдаги жамғармаларнинг жозибадорлиги ортиши) ҳамда инфляцион кутилмаларнинг пасайишида муҳим роль ўйнайди. Бу тушунарли, бизни танганинг иккинчи томони қизиқтиради: бу ҳолат оддий одамлар ҳаёти-

га қандай таъсир қилади? Энди кредитлар ставкаси ҳам 3-4 фоизга ошадими?

Албатта, ҳар қандай қарорда танлов бўлгани каби фоиз ставкасининг оширилиши ҳам ўзи билан фақат ижобий эмас, салбий натижалар ҳам олиб келади. Масалан, бу ҳолат иқтисодий фаолликка салбий таъсир қилиши мумкин, бу эса ишсизликнинг ортиши ёки иқтисодий ўсишнинг кутилаётганидан кўра пастроқ бўлишига олиб келади. Қолаверса, бу вазият муомаладаги пул массасини камайтиради, кредит олишни эса қимматлаштиради.

Шу ўринда иккита савол туғилади. Биринчиси: ҳозирги вазиятда аввалроқ олинган кредитлар фоизи ҳам ошадими? Айтиш керакки, 17 фоизлик ставка

фақат янги молиялаштириладиган кредитларга нисбатан қўлланилади. Бу дегани, асосий ставканинг оширилиши шу кунгача ажратилган кредитларга, жумладан, таълим, оилавий тадбиркорлик ҳамда мақбул ипотека кредитлари фоиз ставкасига таъсир кўрсатмайди. Қонда тарикасида бу тоифадаги кредитлар ставкаси асосий ставкага боғланган, лекин асосий ставка тушганда ставка туширилади, ошганда эса ўзгармай қолади. Шунинг учун ипотека эгалари ва бошқа ижтимоий кредитдан қарздорлар хавотирга тушмаса бўлади.

Шу билан бирга, айрим кредитлар фоизи ошиши мумкин. Бу банклар ва миқозлар ўртасида тузилган шартномада белгилаган шартларга боғлиқ.

ФИКР

Нақд доллар ёки евро тақчиллиги кузатилмоқдами?

Мамаризо НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси:

– Бугунги кунда мамлакатда нақд доллар ёки евро тақчиллиги ҳолатлари кузатилмаяпти. Тижорат банклари ички бозорда нақд хорижий валюта етариллигини таъминлаб келмоқда. Мавжуд нақд валюта захиралари ўртача 3-4 ойлик нақд айирбошлаш операцияларига бўлган талабни тўлиқ қондира олади.

2020 йилда пандемиянинг бошланғич даврида авиақатновлар бўйича аксарият давлатлар томонидан қиритилган чекловлар сабабли тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютанинг мустақил олиб келиниши қийинлашган эди. Бундай вазиятда Марказий банк томонидан нақд хорижий валютани олиб келиш жараёнини марказлашган ҳолда ташкил этилиб, тижорат банкларига тақдим этилган.

Келгусида тақчиллик вазиятлари юзага келадиган бўлса, албатта нақд валютани марказлашган тартибда олиб келиш бўйича зарурий чоралар курилади. Таъкидлаш жоизки, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар учун нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиши 100 млн. сўм эквивалентидан ошмаган суммада амалга оширилиши мумкинлиги, юридик шахслар учун нақд хорижий валютани мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиши таъқиқланган. Ушбу талаб норезидентлар учун ҳам амал қилади.

Бугунги кунда нақд хорижий валюта амалиётлари бўйича қўшимча талаблар ёки чекловлар қиритилиши режалаштирилмаган.

Мисол учун, шартномада ўзгарувчан фоиз ставкаси белгилаган бўлса, юқоридеги ҳолатнинг таъсири ушбу шартномада келишилган шартлар ёки кредит ажратиш бўйича тегишли Низом талабларига мувофиқ бўлади.

Қолаверса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада ажратилиши давом этади. Чунки Президентнинг «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада ажратилиши белгилаган. Яъни ушбу кредит фоиз ставкаси 2022 йилдан бошлаб Марказий банк асосий ставкасига боғланмаган.

Энди иккинчи масала: банклар томонидан ажратилаётган тижорий кредитлар ёки омонатлар фоизда ўзгариш бўладими?

Бунинг изоҳлар экан, таниқли иқтисодчи Отабек Бакиров шундай дейди: «Валюта курси ошиб бораётгани муносабати билан тижорат банклари капитали етариллигига қўшимча юклама ҳосил бўлади. Табиийки, банклар фақат 100 фоизлик риск даражасидагина кредитлар ажратишига ўтади. Энди 100 фоиз риск шкаласида янги бериладиган корпоратив кредитлар 23 фоизгача, жисмоний шахсларга эса 26 фоизгача оширилиши мумкин.

Фоиз ставкалар кўтарилгач, кредитга талаб бирмунча мақбуллашади ва ажратилмаган янги кредитларнинг сўм курсига босими анча камайди. Ўз-ўзидан, депозитлар ва омонатларнинг фоиз ставкалари ошади. Шу кунларда бозорда 24 фоиз, 25 фоизлик омонатлар таклифлари пайдо бўлса, ҳайрон бўлмаслик керак. Содда айтганда, сўмдаги маблағларни долларга айлантириш афзаллиги камаяди.

Хуллас, асосий ставканинг ошиши бир томондан пул қадрсизланиши ва инфляцияни меъёрида ушлаб турса, бошқа томондан иқтисодий фаолликнинг пасайиши, кредитлар фоизи ошишига олиб келади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«MaHalla» газетаси учун обуна бўлгандик, аммо...»

«Маблағимизни бошқа нашрлар учун ўтказиб юборишган...»

«Мингтут» маҳалласи хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласида тумандаги энг фаоллардан. Нафақат ўзимиздаги, балки қўшни маҳаллаларда яшовчи ёшлар, хотин-қизлар ҳам ишли бўлишида йиғинимизда ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарининг хизмати катта бўлмоқда.

Ғайрат ТОШПЎЛАТОВ, Ўзбекистон туманидаги «Мингтут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Масалан, 2021 йил давомида маҳалламизда иккита ишлаб чиқариш корхонасини очдик. «Амина текстиль» корхонаси

билан ҳамкорликда ташкил этилган трикотаж корхонасида бугун 150 нафар хотин-қиз иш билан банд бўлди. Бунга

қўшимча тарзда қишки кийим-бош ишлаб чиқарадиган корхона ҳам иш бошлади. Ўз навбатида, бу ерда ҳам 100

нафар аҳоли ишли бўлди. Деярли 8 йилдан бери 225 та хонадон ичимлик суви муаммосидан қийналарди. Утган йили мана шу муаммо ечилди. Масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда носоз сув қувири созланди. Шунингдек, маҳалланинг 500 метр кўчаси асфальтланди. Мурожаатлар билан ишлашда сектор билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Сектор раҳбари томонидан 33-умумтаълим мактабида спорт зали таъмирланди, қириш йўлаги ва 4 хона замонавий кўринишга келди.

Муаммо бор, афсуски, бир неча йилдан бери маҳалламиз ўз бениосига эга

эмас. Оталар чойхонасида вақтинча ишлаяптимиз. Бу масалада мурожаатларимиз ҳозирча жавобсиз қолмоқда. Маҳалламизда иккита муддати ўтган трансформатор бор. Шунингдек, Мингтут кўчасидаги электр энергияси муаммоларини ечиш 2019 йилда дастурга киритилган. Бу бўйича лойиҳа ҳам тасдиқланган, аммо 3 йилдан бери ижро этилмапти. Яна бир муаммони айтиб ўтишни хоҳлардим. 2022 йил обуна мавсумида бир қатор газета ва журналларга ихтиёрий обуна бўлганмиз. Жумладан, «MaHalla» газетасига нафақат мен, балки тумандаги аксарият маҳалла раислари

ойлик иш ҳақларидан обуна бўлишга розилик бериб, ариза беришганди. Ҳозир йилнинг 3 ойи ниҳосига етгиптики, газета келмади. Сабабини суриштирсак, тумандаги мутасаддилар бошқа нашрларга маблағларимизни йўналтириб юборган бўлиб чиқяпти. Инсоф бўлиб айтинг-чи, бизнинг маблағимизни хоҳишимизга қарши бошқа мақсадларга ишлатиб юбориш мумкинми? Ким уларга бундай ҳуқуқ берган? Нега бировнинг ҳаққидан кўрқимиз? Ахир биз ўзимиз хоҳлаган, ўз соҳамизга доир нашрга обуна бўлишимизга нега масъуллар йўл бермади? Бизнинг маблағ қайси газета ёки журнал учун ўтказилган?

ШАРҲ

САЊКЦЯ ХАВОТИРЛАР УРИНЛИ... (МИ?)

АТРОФИДАГИ МУҲОКАМАЛАР:

Нодир РАСУЛОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи.



Жорий йилнинг февраль ойида юзага келган Россия — Украина ўртасидаги ҳарбий можаролар ва бу жараёнга Ғарб мамлакатларининг аралашуви жаҳон иқтисодиётида пандемиядан сўнг яна бир жиддий ўзгаришлар, иқтисодий инқироз ҳамда халқаро савдо тизимида охири кўринмайдиган муаммоларни келтириб чиқаришига сабаб бўлмоқда. Бунга АҚШнинг босими остида Европа Иттифоқи ҳамда бошқа давлатларнинг биргаликда Россияга нисбатан жорий этётган кенг қўламадаги санкцияларини кўрсатишимиз мумкин.

Агар Ғарбнинг Россияга нисбатан қўлаётган санкциялар хронологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, бу жараён 2014 йиллардан бошланган эди. Хусусан, 2014 йил 17 мартда АҚШ томонидан биринчи марта Украина масаласида Россиянинг 11 нафар юқори лавозимдаги мансабдор шахсларини Америкага киритмаслик, уларнинг хориждаги активлари ва шахсий мулкларига нисбатан иқтисодий чекловларни жорий этди. Кейинчалик АҚШнинг бу ҳаракатига Канада, Европа Иттифоқи ҳамда Швейцария, Япония ва Австралия давлатлари қўшилди. Сўнгги саккиз йил ичида улар томонидан босқичма-босқич Россияга нисбатан қўлланилаётган молиявий ва иқтисодий санкцияларнинг қўлама кенгайиб борди.

Бугун Ғарб мамлакатлари томонидан Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар сони 5,5 мингдан ортиб кетди. Эълон қилинган санкциялар нафақат Россияга, балки бутун жаҳон иқтисодиётини ўсишига узининг салбий таъсирини ўтказди. Бу, ўз навбатида, халқаро миқёсда қўллаб-қўлловчи оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

САНКЦЯЛАР — БУ ОХИРГИ ЧОРАМИ?

Жаҳон амалиётида санкциялар, яъни иқтисодий, молиявий ва шунга ўқибат чекловлар билан боғлиқ ҳаракатлар XX асрнинг бошларидан кенгрок қўлланила бошланди. Бу, аввалом бор, дунёни иккита қутбга Капитализм ва Социализмга ёки Ғарб ва СССРга ажралиши натижасида юзага келди. Биринчи йирик иқтисодий санкциялар 1917 йилда Октябрь револуциясидан сўнг Антанта давлатлари (Буюк Британия, Франция, АҚШ ва бошқа ғарбий мамлакатлар) томонидан собиқ СССРга нисбатан жорий этилган. Кейинчалик бундай кенг қўламли халқаро иқтисодий санкциялар бир қатор давлатларга нисбатан қўлланила бошланди.

Дунё таърибасида айрим мамлакатларга нисбатан қўлланилган санкциялар узоқ йиллар давом этган. Бунга мисол тариқасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1962 йилда Жанубий Африка Республикасига, 1979 йилда АҚШ бошчилигидаги Европа Иттифоқи, Канада ва Австралия каби мамлакатларнинг Эронга нисбатан қўллаган санкцияларини таъкидлашимиз мумкин. Бироқ сўнгги йилларда АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар томонидан Россияга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий чекловлар жаҳон тарихида узининг қўлама кенгайишига катталиги билан бошқаларидан ажралиб турибди.

Умуман олганда, Ғарб томонидан Россияга нисбатан қўлланилаётган бундай санкциялар охири чорами? Йўқ, албатта. Чунки ҳар қандай келишмовчилик, ихтилоф, можаро ёки ҳарбий низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин. Бу ерда бошқа масала бор. Яъни айрим давлатларнинг жаҳонда ким устун эканлиги, қимнинг имкониятлари юқорилигини кўрсатиб қўйиш. Албатта, бу ҳаракатлар охир-оқибат глобал хавфсизликка таҳдид солади.

САНКЦЯЛАР ОСТИДАГИ РОССИЯ: ОҚИБАТ ВА ИМКОНИЯТЛАР

Деярли ҳар куни Россияга нисбатан эълон қилинаётган чеклов чоралари ва уларнинг сони ошиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, Россияга нисбатан халқаро бойкот эълон қилинди, десак ҳам бўлаверади. Жорий этилаётган санкциялар Россия иқтисодиёти учун катта талофатлар келтириши аниқ. Шу билан бирга, ушбу иқтисодий санкциялар АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини кўрсатишни бошлади.

«Goldman Sachs» гуруҳи иқтисодчиларининг маълумотларига кўра, санкциялар сабаб биргина нефть маҳсулотлари нархининг 20 фоизга кўтарилиши АҚШ ЯИМни 0,2 фоизга камайишига олиб келади. Санкцияларнинг давом этиши 2014 йилда бошланган энергетика инқирозини янада кучайтириши Европа мамлакатларининг Россия энерго ресурсларига боғлиқлиги ортидан газ, электр энергияси нархларининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Бу, албатта, Европа саноатига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Мисол учун, Европа Иттифоқи мамлакатлари озиқ-овқат дўконларида ўсимлик ёғи ҳамда шаккар маҳсулотлари танқислиги кузатила бошланди. Чунки бу маҳсулотлар, асосан, Украина ва Россиядан импорт қилинар эди. Санкцияларнинг яна бир муҳим салбий оқибатлари, яъни ижтимоий хавфи нуқтаи назаридан мигрантлар оқимининг Европага сезиларли ортиши ва қочоқлар сони кескин кўпайишидир.

Бугун Ғарб мамлакатлари томонидан Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар сони 5,5 мингдан ортиб кетди. Эълон қилинган санкциялар нафақат Россияга, балки бутун жаҳон иқтисодиётини ўсишига узининг салбий таъсирини ўтказди. Бу, ўз навбатида, халқаро миқёсда қўллаб-қўлловчи оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

АҚШ босими остида Россияга нисбатан амалга оширилаётган бу санкциялар Европа Иттифоқи учун ҳам ижтимоий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан анча қимматга тушиши башорат қилинмоқда. Айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортдан Польша, Словения, Болгария каби мамлакатлар фермерлари катта зарар кўрмоқда.

Россия ҳукумати ҳам ўз навбатида қўлланилаётган санкцияларга нисбатан қарши санкцияларни жорий этмоқда. Россия иқтисодиёти Ғарбнинг иқтисодий чекловларига, санкцияларига нисбатан мослашувчанлиги ва ҳимояланганини оширган ҳолда иқтисодий иммунитетни кучайиб бормоқда. Натижада фармацевтика, саноат, хизматлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзида ишлаб чиқаришга ва иқтисодиётини диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, асосий импорт маҳсулотларни Хитой ва Осиё давлатларидан олишга ҳаракат қилмоқда. Албатта, бу ҳаракатлар Ўзбекистон бизнеси

учун ҳам Россиянинг бозорларида янги жойларни эгаллашга имконият яратади.

САНКЦЯЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КўРСАТАДИ?

Россия ва Украина ўртасида бўлаётган инқироз ҳамда Россияга қарши санкциялар Ўзбекистон иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми ёки 37,7 фоизи МДХ давлатларига тўғри келиб, Россия билан 7,5 млрд. АҚШ доллари (экспорт 2,1 млрд. ва импорт 5,4 млрд. доллар) ва Украина билан эса 704,0 млн. доллари ташқил этган. 2021 йилда Ўзбекистоннинг ЕОИИ каби макроиқтисодий кўрсаткичларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Чунки расмий маълумотларга кўра, Россияда 1,5 млн. нафар, норасмий маълумотлар бўйича 3 млн. нафарга яқин Ўзбекистон фуқаролари меҳнат фаолияти билан шуғулланишмоқда. Санкциялар натижасида рублнинг долларга нисбатан қадрсизланиши меҳнат мигрантларининг даромади 1,5-2 баробарга тушиб кетиши мумкин. Бу эса қийинчиликларда намоён бўлади:

биринчидан, меҳнат мигрантлари томонидан Ўзбекистонга юбораётган маблағларини 2 баробаргача қисқаришига олиб келади;

иккинчидан, турли хорижий корхоналар, компаниялар ва айрим давлатлар бизнес ваколатхоналарининг Россия бозоридан чиқиб кетиши қўллаб-қўлловчи бўлишига ва аксинча, тўхташига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, компаниялар томонидан меҳнат шартномаларини бекор қилишга олиб келади. Натижада меҳнат мигрантларининг маълум бир қисмининг Ўзбекистонга қайтиб келиш эҳтимоли ортиши мумкин;

учинчидан, экспертларнинг маълумотига кўра, ҳар йили март-апрель ойларида Ўзбекистондан 200-300 минг нафарга яқин фуқароларимиз Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Украина каби давлатларга мавсумий ишларда меҳнат

қилиш учун бориши кузатилади эди. Санкциялар натижасида энди шунча фуқароларни мамлакатимизда иш билан таъминлашга тўғри келади.

тўртинчидан, санкцияларнинг келтириб чиқарадиган яна бир муҳим салбий оқибати, бу — аҳолининг даромадига таъсир кўрсатишидир. Марказий банкнинг маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонга халқаро пул ўтказмалари орқали 8,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан валюта маблағлари келиб тушган. Айрим экспертларнинг прогнозларига кўра, Россияга нисбатан жорий этилаётган санкциялар натижасида 2022 йилда Ўзбекистонга пул ўтказмалари тахминан 40-45 фоизга камайиши кутилмоқда. Бу ҳолат, албатта, мамлакатда қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ жараёнларга таъсир кўрсатади. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, ишсизлик даражасини 1,5-2 фоизга ўсишига олиб келиши мумкин.

Бироқ пандемия даврида орттирилган таъриб ҳамда яқинда жорий этилган ҳоким ёрдамчилари лавозими ҳамда «маҳаллабай» ишлаш тизими орқали мазкур муаммоларни ҳал этишга ҳамда санкцияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайитиришга ёрдам беради, деган умиддамыз.

Санкцияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий оқибатларини юмшатиш бўйича қандай чораларни амалга ошириш лозим?

Иқтисодий санкцияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатадиган салбий оқибатларини камайитириш бўйича ҳукумат томонидан зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. **Бироқ айрим блогер ва «диванда ётиб» экспертлик қиладиган кимсаларга бу можаро гўёки, уларга янги иш топиб берганга ўқибат.** Ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг бир қисми Россияни ёқлашса, бошқа бир тоифадагилари Украина билан бирга эканликларини баён эта бошлашди. Улар ўртасида мунозаралар бошланиб, тортишувлар юзага келди. Баъзи ҳолатларда улар томонидан Ўзбекистондаги тижорат банкларининг Россия рублини айирбошлаш билан боғлиқ масалаларга ўзларининг асосиз, ҳиссиётга берилган ҳолда айрим саёз фикрларини билдириб, аҳоли ўртасида турли ваҳималар, миш-мишларни келиб чиқишига сабаб бўлишди.

Бироқ ижтимоий тармоқларда мазкур ҳолатни айрим блогер ва мутахассислар томонидан бўрттириб кўрсатиш, ваҳима қилиш, айниқса, фуқароларимизни асосиз ва ўйдирма гаплар билан чалғитиш нотўғридир. Чунки мамлакатимизда санкцияларнинг Ўзбекистон

иқтисодиётига таъсирини юмшатиш бўйича ваколатли давлат органлари ҳамда мутахассислар томонидан қуйидаги йўналишда чора-тадбирлар ишлаб чиқишмоқда.

Биринчидан, Марказий банк бошчилигида Россияда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган мигрантлар томонидан Ўзбекистонга пул ўтказмаларини амалга ошириш бўйича қўлайликлар яратиш мақсадида тижорат банкларига Россия рублининг ўзбек сўмига нисбатан сотиш ва сотиб олиш курсини мустақил равишда жорий халқаро котировкаларга асосан белгилашни, заруриятга кўра ўзгартириб борилишига руҳсат берди. Чунки санкциялар сабаб Россия SWIFT тизимидан узиб қўйилди. Бу тизим жаҳонда халқаро ахборотлар узатиш ва тўловларни амалга ошириш фаолияти билан шуғулланади.

SWIFT тизимининг ишласлиги фуқароларимизни Россиядан пул ўтказмаларини амалга оширишдан маҳрум этди. Шунинг учун меҳнат мигрантларига қўлайлик яратиш мақсадида Марказий банк тижорат банкларига рубль айирбошлаши тўхтатиб қўймаслиқни, сотиб олиш ва сотиш курси ўртасидаги фарқни мақбул даражада сақлаб туришни тавсия этди.

Иккинчидан, санкциялар сабаб хориждан келиши қўлаётган меҳнат мигрантлари учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва хизматлари орқали тўлдириш вакиллари ҳамкорликда иш жойларини ташқил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқишмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистондан баҳор-куз ойларида хорижий мамлакатларга мавсумий ишлаш учун бориш имкониятидан маҳрум бўлганларни иш билан таъминлаш мақсадида ишсиз бўлган фуқароларни жамоат ишлари ҳамда мавсумий ишларга жалб қилишда ҳоким ёрдамчиларини жалб этиш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Тўртинчидан, санкциялар туфайли Россия бозорларида юзага келадиган бўшлиқларни Ўзбекистон товарлари ва хизматлари орқали тўлдириш имкониятларини излаб топиш лозим. Бунинг учун тезлик билан чуқур маркетинг излашилари амалга ошириш лозим бўлади. Бу Ўзбекистон учун иқтисодий жиҳатдан катта имконият ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ижтимоий тармоқлар ёки бошқа манбалар орқали айрим фойдаланувчилар томонидан билдирилаётган ваҳима ва саросималарга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Халқимиз тезроқ Россия — Украина ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф бўлишини, ҳарбий можаронинг тўхташи тарафдори.

Россиядан импорт қилинаётган шакар умумий истеъмолнинг 1 фоизидан ҳам камроқ улушга эга.

Раисларнинг ишларини кўрсатадиган жиддий минбар керак, кечаю кундуз ишлаётганимизни айтадиган одам йўқ.

ИМПОРТ ЧЕКЛОВЛАРИ ШАЖАВАР НАРХИГА ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ



Россия ҳукумати 2022 йил 31 августга қадар шакар экспортини тўхтатибди. Ўзбекистон эса энг кўп шакарни аинан Россиядан импорт қилади. Ўтган йили бу мамлакатдан беш минг тоннадан кўпроқ шакар сотиб олганмиз. Яна бир йилга етказиб берувчи — Украина ҳам ўтган ҳафтада шакар экспортини тўхтатганди. Украинадан йилига уч минг тоннадан зиёд шакар сотиб оламиз. Хўш, юқоридаги икки ҳолат нархлар барқарорлигига таъсир кўрсатадими? Ўзбекистон иқтисодий таъсир импорти ўрнини қоплай оладими?

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги берган маълумотга кўра, 2022 йилда аҳолини шакар маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш мақсадида республикада 600 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. 2021 йилда эса «Ангрен шакар» МЧЖ ва «Хоразм шакар» МЧЖ корхоналари томонидан 595,5 минг тонна шакар ишлаб чиқарилган. Шу билан бирга, 2021 йил ва 2022 йил январь-февраль ойларида товар хомашё биржасига ҳар ой 30 минг тоннадан кам бўлмаган миқдорда шакар савдога қўйилган.

Қайд этилишича, ўтган йил якунига қадар 23 минг тонна шакар ва 620 минг тонна шакар хомашёси (асосан Бразилиядан) импорт қилинган ҳамда 25 тонна шакар экспортга (биргина Афғонистонга) йўналтирилган. 2022 йил март-май ойларида таъминотчилардан яна қарий 180 минг тонна хомашё этиб келади. Қолаверса, июнь-октябрь ойларида 200 минг тонна шакар хомашёсини олиб келиш режалаштирилган. Умуман олганда, вазирликнинг билдиришича, Россия Федерацияси томонидан киритилган вақтинчалик чекловлар мамлакатимизда шакар ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва нархлар ошиб кетишининг тўлиқ олди олинади.

ШАКАР НАРХИ ОШАДИМИ?

Гарчи вазирлик барча хавотирлар асосиз эканини айтган бўлса-да, кўпчилик ўйламоқдаки, Россиянинг бундай харакати бозорларда шакар нархининг кескин ошишига олиб келади. Келинг, мавжуд рақамларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Танқиқли иқтисодчи Миркомил Холбоевнинг қайд этишича, чиндан ҳам, мамлакатимиз (тайёр) шакарни энг кўп Россиядан импорт қилади. Лекин шуниси эътиборга молиқки, Россиядан импорт қилинадиган шакар ҳажми умумий шакар истеъмолининг жуда кичик улушини ташкил этади. Масалан, 2021

йилнинг январь-ноябрь ойларида Россиядан шакар импорти 5,3 минг тоннани ташкил этган. Январь-декабрь ойларида эса маҳаллий шакар заводларимиз 595,5 минг тонна шакар ишлаб чиқарган. Агар ойлик ўртача кўрсаткичларни ҳисобга олсак, Россиядан импорт қилинаётган шакар умумий истеъмолнинг 1 фоизидан ҳам камроқ улушга эга эканини кўрамиз. Умумий шакар импортини олган тақдиримизда ҳам бу умумий истеъмолнинг бор-йўғи 4 фоизини ташкил этади.

Яъни импорт шакар нархининг ўзгариши ёки экспорт қилувчи давлатнинг шакар экспортига қандайдир чекловлар қўйиши амалда ички бозордаги нархга жуда сезилмас даражада таъсир қилиши мумкин, холос. Амалда ўртача истеъмолчи Россиянинг шакар экспортига қўйган чекловини сезмаслиги керак.

Шакар нархи ошиши мумкинми? Бу саволга қисқа жавоб — ҳа. Лекин бу Россиянинг шакар экспортини чеклагани ортидан эмас (бу омилнинг таъсири бўлиши мумкин, лекин сезилмас даражада кичик). Балки зиддият оқибагида логистиканинг қийинлашуви ҳамда қимматлашуви ички бозордаги шакар нархининг олдинги йиллардаги тренддан оғишида асосий роль ўйнаши мумкин. Яъни уруш мамлакатлар орасида логистиканинг қийинлашуви ҳамда қимматлашуви сабаб бўлмоқда. Бизга эса шакар хомашёсининг асосий қисми Бразилиядан кириб келади. Масалан, 2021 йилда Бразилиядан импорт қилинган шакар хомашёси умумий шакар маҳсулотлари импортнинг 90 фоиздан кўпроқ улушини ташкил этган.

Хуллас, келаётган ойларида шакар нархининг бироз тезроқ ўсишини кўришимиз мумкин, бу, асосан, шакар хомашёсининг импорти билан боғлиқ қандайдир харажатларнинг ортиши, хомашё нархининг кўтарилиши ёки логистиканинг қийинлашуви натижасида юзага келиши мумкин.

ҚАЙСИ БИРИ ҚУЛАЙ: ИМПОРТМИ ЁКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ?

Қачонлардир шакар фақат бойлар, ўзига тўқ зодагонлар истеъмол қила оладиган маҳсулот бўлган. Табиблар уни камёб дориларни тайёрлашда ишлатишган. Бир неча юз йиллар давомида одамлар шакар истеъмол қилишни орзу қилишган. Бугун эса у асосий кундалик истеъмол маҳсулотларимиздан бирига айланиб улгурди. Шу боис шакар билан боғлиқ ҳар қандай мавзу кенг муҳокама-лар марказида туради.

Сўнгги 3-4 йил ичида мазкур маҳсу-

лотни ишлаб чиқариш, импорт қилиш билан боғлиқ вазият таҳлил қилинса, икки хил жиҳат эътиборни тортади. Яъни 2020 ва 2021 йилларда мамлакат шакар бозоридаги ҳолат турлича бўлган. Масалан, 2020 йилда пандемия таъсири остида шакарга ўрнатилган божхона бож (20 фоиз) ва акциз солиғи (20 фоиз) бекор қилиниши ортидан маҳаллий бозор Россия шакари билан тўлди ва ички истеъмолнинг катта қисми импорт ҳисобига қопланган. 2021 йилда эса импорт имтиёзи ўз кучини йўқотган, ички истеъмолнинг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қондирилди.

Хўш, айна шу икки йил давомида нархлар қай даражада ўзгарди? Биз учун қай бири қулай экан: шакарни импорт қилишни ёки ишлаб чиқариш? Бу борада ҳам икки хил қараш мавжуд.

ИМПОРТ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ: мутахассисларнинг фикрича, 2020 йилда мавжуд тўсиқларнинг олиб ташланиши ички бозорда импорт қилинган шакарнинг нархи арзонлашишига ва, ўз навбатида, рақобатбардошлиги ошишига олиб келган. Ички бозорда рақобатнинг кескин ортиши эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатда ютқизиши, пировардида, ишлаб чиқаришни қисқартириши ёки тўхтатиши натижасида ишчиларни ишдан бўшатиши ва кейинроқ вақтинчалик ёпилишига ҳам сабаб бўлди.

Шу икки йил ичидаги нархлар динамикасига эътибор берилса, 2020 йилда шакар нархининг иллик ўсиши 21 фоизни ташкил этган, 2021 йилда эса бу кўрсаткич 25,4 фоизгача кўтарилган. Кўриниб турибдики, асосий истеъмол импорт ҳисобига қондирилган даврда Ўзбекистон бозорида шакар нархи нисбатан секин ўсган. Асосий таъминот маҳаллий ишлаб чиқарувчилар зиммасига тушган йилда эса нархлар бирмунча кўтарилган.

Импортни қўллаб-қувватловчиларнинг фикрича, 2020 йилда шакар нархининг кескин ўсиши — бошқа давлатларда ҳам кузатилган тенденция ҳисобланади. Агар уша йилда ҳам импортига тўсиқлар сақланиб қолганида, бундан-да юқорироқ нарх ўсишига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин эди. 2021 йилдаги нарх эса нисбатан маҳаллий ишлаб чиқариш билан боғлиқ тенденция ҳисобланади. Яъни истеъмолчиларнинг қимматроқ шакар сотиб олаётгани, бу — тўлиқгача қарор қабул қилувчиларнинг қарорлари натижасидир. Тўғри, бу қарорлар маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин оширишига олиб

келди, заводларда минглаб ишчилар иш билан таъминланди. Аммо, бошқа томондан, бутун бошли истеъмолчилар, қўшни давлатларда шакар нархи биздагига нисбатан анча секин ўсганига қарамай, шакарни қимматроқ нархда сотиб олишга мажбур бўлишди.

ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН МАЪҚУЛ: энди танганинг иккинчи томонига назар ташлаймиз. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг шакар истеъмол қилишига бўлган бугунги йиллик эҳтиёжи 600 минг тоннадан зиёдни ташкил этади. Иккита шакар заводининг ойлик ишлаб чиқариш қувватини инобатга олсак, бу талаб маҳаллий маҳсулот ҳисобига эмин-эркин қопланиши мумкин. Бироқ 2020 йилда ўзаро рақобатни ривожлантириш учун импорт шакарга барча имтиёзларнинг қўш-қўллаб топширилиши маҳаллий шакар саноатини ички бозордан осонгина сиқиб чиқаришга кўмак бўлди.

Шундай вазиятда корхоналар хомашё етказиб берувчилар билан шартнома тузай деса, битта талаб ўртага ташланади: ички бозорлардаги импорт шакар билан рақобат қила олиш кафолати. Уларнинг бу талабига асос бор, албатта. Бироқ импортёрлар билан рақобат қилиш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам ҚҚС ва акциз солиғи бўйича имтиёзлар берилиши керак эди. Шундагина адолатли ва соғлом рақобат вужудга келарди. Импортёрлар учун яна бир катта имтиёз шу эдики, уларнинг шакари тўғридан-тўғри истеъмолчилар қўлига этиб борарди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар эса фақат ва фақат биржа орқали бозорга чиқаришга мажбур бўлган.

Нархлар масаласига келсак Ўзбекистон бозорини импортёрлар эгаллаган вақтда, яъни 2020 йилда нарх 21 фоизга ўсган. Энг қизиғи шуки, импортёрлар биржасиз бозорга тўғри кириб боришига қарамай, нархни бир йил давомида шунча кўтаришга эришган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар Ўзбекистон бозорида ўз мавқени қайта эгаллаган даврда нархлар ошганига тўхталсак, албатта, бунга бир қанча асослар бор эди.

Биргина меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори 2020 йилда 679 330 сўм бўлган бўлса, айна кунда 822 000 этиб белгиланган. Яъни меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори 22,5 фоизга ошган. Ўзбекистонда маош, нафақа ва барча нарсанинг нархи кўтарилаётган вақтда шакар нархини кўтармасдан ушлаб туришининг умуман имкони йўқ. Хомашё ҳам текин келмайди. Сўнгги икки йил ичида бутун дунё бўйича шакар хом-

ашёси 40 фоизга кўтарилган. Импортни қўллаётганлар шакар нархини ҳисоблаётганда мана шу жиҳатларни ҳам ҳисобга олишса, адолатдан бўлар эди...

ХОМАШЁ ҲАЖМИ 6-7 БАРАВАР КЎП БЎЛАДИ

Шу ўринда шакар ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтсак. Иқтисодий нуқтан назардан, шакар саноатини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, мамлакатда етарли ва ишончли хомашё базаси мавжуд бўлиши керак. Яъни қанд лавлагини ёки шакарқамиш шунинг ўзида етиштирилиши лозим. Дунё статистикасига кўра, бугунги кунда шакарнинг 88 фоизи шакарқамишдан, 12 фоизи қанд лавлагидан олинади.

Шакарқамиш, асосан, экваторга яқин бўлган, тропик иқлимли мамлакатларда етиштирилади. Бу — Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, Таиланд, Покистон. Қанд лавлагини эса, асосан, Европа иқлим шароитида етиштирилади. Унинг учун +8, +20 даражада об-ҳаво ва катта намлик керак. Бугунги кунда дунёнинг етакчи қанд лавлагини ишлаб чиқарувчи давлатлари, бу — Франция, Россия, Германия, Украина, АҚШ ва Туркия.

Қанд лавлагини ёки шакарқамиш хомашёсини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб келиб, ундан шакар ишлаб чиқариш мумкин, лекин бунинг учун арзон транспорт воситаси керак, масалан — денгиз транспорти. Хомашё ҳажми олинадиган шакар ҳажмидан 6-7 баравар кўп бўлади. Иккинчидан, қанд лавлагини ҳам, шакарқамиш ҳам ўсимлик хомашёси бўлиб, улар маълум ҳароратда сақланиши керак ва уларнинг муддати ҳам чекланган. Бундан кўриниб турибдики, шакарни унинг хомашёси етиштириладиган мамлакатда ишлаб чиқариш қулай. Хомашёни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ташиб, у ерда шакар ишлаб чиқариш, аксарият ҳолларда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди ва хомашё етказиб бериш кафолати ҳам кам.

Бироқ шундай бўлса-да, мамлакатимиз шакар масаласида тўлиқ импортга боғланиб қолганини қувонарли, албатта. Айниқса, ҳозирги зиддиятлар таъсири остида бу янада аҳамиятлантирди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги баёнотида қайд этилганидек, аҳоли талабини узлуқсиз, етарли миқдорда ва барқарор нархларда шакар билан таъминлаш ҳамда ички бозорларда нархлар кескин ўзгаришининг олди олинар экан, Россия ва Украинадан шакар импортига қўйилган чеклов бозорларимиздаги нархларга таъсир кўрсатмайди.

ФИКР

Раислар ишини кўрсатадиган доимий минбар йўқ

Маҳалламизда 3,2 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг асосий қисми, яъни 80-85 фоизга яқини давлат корхоналарида ишлайди. Томарқачилик ривожланган. Худудимиздаги 124 та хонадонда энгил конструкцияли иссиқхоналарда кўчатлар етиштирилади. Атроф маҳалла, тумандан келган харидорлар деҳқончилик учун қалампир, помидор, бодринг ва бошқа турдаги кўчатларни биздан олишади. Умумий ҳисобда ҳар бир хонадон томорқадан йилига 10-15 миллион сўмгача даромад қилмоқда.



Шунингдек, асаларичилик ривожланяпти. 10 та хонадонимизда 300 дондан кўпроқ асалари оиласи парваришланади. Маҳалламизда асаларичилик ярмаркаси ҳам ташкил қилинган. Бир тадбиркоримиз текстиль фабрикаси ташкил қилган. Иккита уй боғча ишла-

ди. Улар 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган 138 нафар болажонларимизни қамраб олган. Юқоридагилар боис меҳнат миграцияси масаласида муаммоларимиз йўқ. Ҳозирда 14 кишигина Россия ва Қозоғистонда ишлайди. Газ, ток масалаларида ҳам камчиликлар кузатилмайди. Маҳалладаги 17

км. ички йўлларнинг 11 км.дан ортиғи асфальтлаштирилган, қолган қисмига эса шагал ётқизилган, асфальтлаш муаммоси ҳам босқичма босқич ҳал этилмоқда.

Ўтган йили иккита оилавий ажралиш бўлди. Бири фарзандсизликдан, иккинчисидан келин-куёв бир-бирини ёқтирмаган. Қанча уринмайлик, оилани сақлаб қолишининг имкони бўлмади. 10 та кўчанинг кириши ва чиқishi жойларига кузатув қамарлари ва тунги ёриткичлар ўрнатилгани натижасида йил давомида бирорта жиноят содир этилгани йўқ.

Маҳалламиз биносидан

муסיқа ва санъат хонаси бор. У пианина, рубоб, доира, дутор чолғу асбоблари билан таъминланган, тўғарақда 100 нафардан ортик ёшлар санъат сирларини урганишлари учун барча шароитлар яратилган. Кутубхонамизда 1 минг 200 дан ортик жаҳон ва ўзбек адабиёти намуналари жамланган. Китобхоналар исталган вақтда келиб, китоб ўқишлари учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, маҳалламизда сунъий қопламали футбол майдончаси, болалар майдончаси ва аёллар учун фитнес-клуб хонаси ташкил қилинган. Шахмат, стол тенниси, «Stret ball», «workout» билан

шугулланиш учун шароитлар етарли.

Тақлифим: бизга раисларнинг ишларини кўрсатадиган жиддий минбар керак. Бирорта маҳалла раиси озгина камчилиққа йўл қўйса, дўмбрани қилиб чаладиган журналистлар, блогерлар кўп. Аммо қилаётган ишларимизни, кечаю кундуз ишлаётганимизни айтадиган одам йўқ. Ваҳоланки, бўлаётган ишлар салмоғи жуда катта. Фақат кўрсатиб бера олмаганимиз. Яхшики, «Mahalla» газетаси ва телевидениеси бор. Аммо уларнинг имконияти ҳам етарлича эмас. Мазкур муаммони ҳал этиш зарур.

Деҳқон ЭШМУРОВО, Кармана туманидаги «Дурман» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИ



Достон РУСТАМОВ

КАТТА ГУРУНГЛАРГА САБАБ БУЛМОҚДА

Бугун эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш кун мавзусига айланди. Республикадаги қайси Давлат хизматлари марказлари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлимларига қараманг, ана шу масала юзасидан узундан-узун навбатлар пайдо бўлган. Энг ёмони, бундай навбатлар куплаб юртдошларимизни ўз тирикчилигидан, давлат ишидаги вазифаларидан олиб қолмоқда. Тунни тонгга, тонгни кунга улаб навбат кутаётганлар ҳам йўқ эмас. Ижарачи ҳайдовчилар эса кунлик режани бажаролмаётгани ҳам бор гап.

Кўча-кўйда қайси таксига ўтирманг, шу мавзу. Кун кеча ўзим ўтирган такси ҳайдовчисининг айтишича, икки кун аввал Сергели тумани Давлат хизматлари марказида эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун 86-рақам билан навбат олган. Бироқ ҳали навбати келмаган.

– «Правда» алмаштириш ҳам бир бош оғриғига айланди, – дейди такси ҳайдовчиси. – Қаерга борманг, турнақатор навбат. Юқоридагилар марказларда «Сўнгги миқозгача» иш режими ўрнатилган, яъни кундузи навбат олган фуқароларга навбат тутагунча ярим тун бўлиб кетса ҳам хизмат курсатилмайди, дейишяпти. Бу ёқда эса бошқача, кеча «свет» учиб қолди, буни

тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси руйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шаклда тайёрлангани янги намуналарни жорий этилган эди. Бунда, даставвал, «права»ларни алмаштиришга 2017 йил 1 октябрдан 2020 йил 31 декабрига қадар, яъни 3 йил 3 ой муҳлат берилган ва 2021 йил 1 январдан эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳақиқий эмас, деб топиллиши кўрсатиб ўтилди.

Бироқ фуқароларимиз белгиланган муддатларда хужжатларни алмаштиришмади. Шу сабаб уларга янада кў-



НАВБАТЛАР ОРТИШИГА НИМА САБАБ БУЛМОҚДА?

Ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш муддати бир неча маротаба узайтирилди. Энди эса бир этикка тикилгандек, ҳамма бирдангина алмаштиришга тушди.

Кузатишларимиздан маълум бўляптики, навбатлар орасида 2010 йилгача берилган эски ҳайдовчилик гувоҳнома эгалари билан бирга, 2010-2012, 2013-2015, ҳатто 2015 йилдан кейин олганлар ҳам бор. Бу эса, ўз навбатида, узундан-узун навбатлар юзга келишига олиб келмоқда. Ваҳоланки, 2012 ёки 2015 йилларда олинган ҳайдовчилик гувоҳномаларини алмаштиришга фуқароларда ҳали муддатлари бор.

Яна бир сабаб: Давлат хизматлари агентлигининг ўрганишича, фуқароларимизда «31 мартгача алмаштирмасам, гувоҳномани алмаштиришда қайта имтиҳон топширар эканман», деган нотўғри тушунча пайдо бўлган. Айни шу сабаб ҳам марказларда навбат ошиб кетмоқда.

Назаримизда, бу борада фуқаролар ўртасида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Йўқса, одамлар орасида турли тушунмовчиликлар, миш-мишлар бўлмасди.

КУРИЛМАЛАР СОНИНИ ОШИРИШ МУМКИНИ?

Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳри бошқармаси бош маслаҳатчиси Жалолиддин Холмуродовнинг айтишича, ҳозирда битта туман Давлат хизматлари марказида кунига 250-300 дона ҳайдовчилик гувоҳномаси янгисига алмаштириб берилмоқда.

Муаммонинг яна бир сабаби шундаки, 79 та қурилма вақт нўқтан назардан 4 млн.дан зиёд эски ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштиришга

улгурмайпти. Шундай экан, ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш учун ваколатли идора – Ички ишлар вазирлиги бу хизматни кўрсатишни янада жонлангириши учун қўшимча қурилмалар харид қилиши лозим.

– Агар вазирлик бизга тегишли моддий-техник база билан бошқа туманларимизни ҳам таъминлаб берса, бизда хизматлар йўлга қўйилиши мумкин, – дейди Давлат хизматлари агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Аҳкам Баратов. – Фақат бунинг бошқа тарафини ҳам инобатга олиш керак. Бу қурилма жуда қиммат туради. 5 миллионга яқин ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш керак бўлса, қурилмалар шу миқдордан келиб чиқиб харид қилинган. Агарда ҳозир бу қурилмалар ҳар бир туман учун сотиб олинган бўлса, 5 млн.га яқин ҳайдовчилик гувоҳномаси алмаштириб бўлинганидан кейин жойларда бу қурилмалар самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

ЎЗ ВАҚТИДА АЛМАШТИРМАСА НИМА БУЛАДИ?

Ҳозирги ҳолатда 31 мартга қадар 2010 йилгача ҳайдовчилик гувоҳномасини олган барча фуқаролар янги «права» олиши мушкул. Шахсан ўзим иш билан бўлиб, вақт топганим йўқ. Ҳўш, эски ҳайдовчилик гувоҳномасини белгиланган муддатда алмаштирмасан нима бўлади? Жарима ёки машина бошқаруш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, маъмурий жавобгарлик белгиланадими? Ёки қайта имтиҳон топширилади?

Таклифимиз: 2010 йилгача берилган эски ҳайдовчилик гувоҳномаларини 2022 йил 31 мартга қадар янгисига алмаштириш учун фақат ана шу муддатдаги ҳайдовчилик гувоҳномалари эгаларини қабул қилиш керак. Шунда узундан-узун навбатларнинг олди олинди, эски ҳайдовчилик гувоҳномалари ўз муддатида янгисига алмаштириб берилади. Қолаверса, барча ДХМ ва ИХХ туман ва туманлараро бўлимларида навбатчилик асосида кечяно кундуз фуқароларга хизмат кўрсатиш ишларини йўлга қўйиш зарур.

Маълумот учун: бугунги кунда республикада бундай ҳайдовчилик гувоҳномаларини янгисига алмаштириш имконини берувчи 79 та ускуна мавжуд бўлиб, шундан 25 таси жойлардаги Давлат хизматлари марказларида, 54 таси эса ИИБ ИХХ туман ва туманлараро бўлимларида жойлаштирилган.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

Давлат хизматлари агентлигининг маълум қилишича, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш хизмати техник-профилактик тадбирлар ўтказилиши муносабати билан 19 мартдан – 2 апрель кунигача вақтинча кўрсатилмайди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштиришнинг охириги муддатларини мутаносиб тарзда – 2023 йилнинг 31 декабрига қадар узайтириш бундай чора-тадбирлар белгиланмоқда.

ИИБ маълумотида кўра, 2022 йилнинг 1 апрелидан бошлаб ҳақиқий эмас деб топилган ҳайдовчилик гувоҳномалари бўйича, истисно тариқасида тегишли таъсир чоралари қўлланилмайди.

қарангли, дастур «свет» ёнгандан сўнг 3 соат ўтгач, қайта ишга туширилар экан. Адам қилаётгани икки кун «план»ни тўлдиролмади.

Барча Давлат хизматлари марказларидаги вазият ёки ҳамма ҳайдовчиларнинг фикри бир хил эмас. Масалан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Учтепа туманида «Сўнгги миқозгача» режими асосида ярим кечасигача ҳам алмаштириб берилмоқда. Лекин кечкурун ҳам узун навбатлар бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автомобилотранспорт воситаси руйхатдан ўтказилганлиги

лайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 ноябрдаги қарори билан юқоридаги қарорга ўзгартиришлар киритилиб, эски ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириш муддати 1 йилга, яъни 2022 йил 31 декабрига қадар узайтирилди. Талаб этиладиган хужжатлар ҳам қисқартирилди.

Унга кўра, 2010 йилгача берилган эски ҳайдовчилик гувоҳномалари – 2022 йил 31 мартга қадар; 2010-2012 йилларда берилганлари – 2022 йил 30 июнга қадар; 2013-2015 йилларда берилганлари – 2022 йил 30 сентябрга қадар; 2015 йилдан кейин берилганлари – 2022 йил 31 декабрига қадар муддатларда мажбурий тартибда амалга оширилади.

ЖОҲИЛЛИК

Рашк жиноятга йўл очди

Фарзанд тарбияси бир кунда биттадан иш эмас. Бунга йиллар давомида мунтазам эътибор лозим бўлади. Аксинча бўлса, «нимани эксанг, шунини ўрасан» деганларидек, кун келиб берилган тарбиянинг «мева»сини татиб қуришга мажбур бўлишди. Албатта, ҳеч ким фарзанди у ёқда турсин, ҳатто яқинларидан ҳам жиноятчи чиқишини истамайди. Бироқ...

Бекзод ЖУМАОБОВ,
Самарқанд вилоят суди
жиноят ишлари бўйича
судьяси.

Нотўғри тарбия, эътиборсизлик, ўз ҳолига ташлаб қўйишлар оқибатида бола билиб-билмай боши берк кўчага кириб қолади. Хато қилмишини яшириш мақсадида хато ортидан яна хато қилади. Толиб Мажидов (исмлар ўзгартirilган) ҳам ҳали ўттизга кирмаган, навқирон ёшда бўлса-да, оилавий келишмовчилик ва рашк туфайли хотинини ўлдириб қўйиб, энди умрининг узоқ йилларини панжа-ра ортида ўтказишга мажбур...

Толиб Гулноза билан пойтахтда мардикорликда ишлаб юрганида танишган. Ёз ойларининг бирида йигит қурилишда ишлар экан, Гулнозани ҳам ёнига чақиради. Ўша пайтда қиз ҳали мактабда 9-синф ўқувчиси эди. Ёшлар ўткичи ҳою ҳавасларга берилиб, Толиб ишлаётган қурилишдаги бир хонада ҳеч

қандай никоҳсиз яшай бошлайди. Кўп ўтмай, уларнинг бирга эканидан ота-оналар хабар топилди. Ёшлар шаҳарда олти ойлар яшаб, кейин қишлоққа қайтиб, Толибнинг ота уйида бир оила бўлиб яшайверди. Кетма-кет икки нафар фарзанд туғилди.

Толиб, асосан, мардикорчилик қилиб, Қозғистонга ишлашга кетарди. Кейинчалик Гулноза ҳам туман марказига бориб, ошхоналарда ишлаб юрди.

Толиб судда берган кўрсатмасида: «Биринчи фарзандим туғилгандан сўнг хотинимда ўзгаришлар сеза бошладим. У сўрамасдан қаергадир кетиб қоладиган одат чиқарди. Унга қанча тушунтирмай, фойдаси бўлмади. Турли жанжаллар келиб чиқадиган бўлди. Шу орада иккинчи фарзандим туғилди.

Гулнозада ўзгариш бўлмади, сўроқсиз кетиб қолаверди. Ўзим мардикор бўлиб ишлаганим учун кўп вақт уйда бўлмасдим, Қозғистонга кетардим», – дейди.

Бу ҳол бир неча бор такрорланган, Толиб хотини хиёнат қилаётганидан шубҳалана бошлайди. Қишлоқда ҳам Гулноза бузуқ аёл экани ҳақида турли хил гап-сўзлар тарқалиб кетди. Шундан сўнг йигит оиласини олиб шаҳарга кетади. Бироқ бир сафар хотинининг қўшни қиз билан мулоқотини эшитиб, унинг бир йигит билан ишқий муносабатда эканини билиб сеза бошладим. У сўрамасдан қаергадир кетиб қоладиган одат чиқарди. Унга қанча тушунтирмай, фойдаси бўлмади. Турли жанжаллар келиб чиқадиган бўлди. Шу орада иккинчи фарзандим туғилди.

Эр-хотин аввал қишлоқда йигитнинг ота уйига боришди. Бир

неча кун шу ерда туришгач, Толиб қабиҳ ниятини амалга оширади. У Гулнозани бир хонага қамаб, қўллар билан бўғиб ўлдирди. Улганига ишонч ҳосил қилгач, хонадан ўра қовлаб, ўша ерга уни кўмиб ташлайди. Хотини ҳақида сураганларга у ишга кетганини айтиди ва ўзи ҳам тезда Қозғистонга чиқиб кетди. Бироқ бир муддат ўтгач, жиноят иши фош бўлиб, Толиб қўлга олинади. Суд ҳукми билан у 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Фарзандни қандай тарбияласак, шундай вояга етади. Бунда, албатта, оила, маҳалла, жамиятдаги муҳим муҳим аҳамиятга эга. Ўзи, оиласи, халқи, маънавий илдизлари ҳақида етарли тушунчага эга бўлган бола жиноят кучасига кирмайди. Бунга эриши

учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, бурчини сидқидилдан бажариши лозим.

Бироқ юқоридаги ҳолатда ҳар икки ёшнинг ота-оналари бунга у қадар эътибор беришмаган. Йўқса, 9-синф ўқувчисининг билмаган, танимаган одами билан қурилиш объектида яшаб юришини қандай изоҳлаш мумкин? Оиланинг кейинги ҳаёти ҳам жанжалларсиз ўтмаган. Ҳақли савол туғилади: ота-оналар шу даражада лоқайд экан, нега маҳалла, профилактика инспектори ёки жамоатчилик вакиллари бунга томошабин бўлиб туришди? Нима сабабдан бу оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш чораларини қўришмади? Хуллас, саволлар кўп, бироқ энди бундан фойда йўқ...

Акция эълон қилинишидан олдинроқ чипталар тугаб бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Нега компания буни била туриб, яна акция эълон қилади?

«Ички туризмни ривожлантираемиз», деб бонг уряпмизу, оддий чипта масаласини тартибга келтириб қўя олмаётимиз.

«ҲАР БАЙРАМДА ШУ БЎЛАР ТАҚРОР»

ёхуд ЧЕГИРМАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ, БИРОҚ ПОЕЗДГА ЧИПТА ЙЎҚ, САМОЛЁТ ҲАР КУНИ УЧАВЕРМАЙДИ, ТАКСИЧИНИНГ ЭСА ОШИҒИ ОЛЧИ

Наврўз байрами муносабати билан 2022 йил 19-23 март кунлари «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан аҳолининг турли қатламлари учун 10 фойздан 50 фойзгача бўлган чегирмалар жорий қилинди. Бу яхши, албатта. Бироқ бизни масаланинг бошқа томони қизиқтиради: чегирма асосида сотиб олиш учун кассаларда билетлар борми? Бунга ойдинлик киритиш учун ҳар икки компаниянинг қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб, веб-сайтлари билан танишиб кўрдик.

БИРИНЧИ ЙЎЛ: чегирма эълон қилинган кунларда шартли равишда Тошкентдан Қашқадарёга тезюрар поездда («Афросиёб», «Насаф», «Шарқ») бормоқчи бўлиб, «Ўзбекистон темир йўллари»нинг 10-05 қисқа рақамига боғландик. Оператор қиз биз сураган кунлар учун тезюрар поездларга чипта қолмагани, фақат Сурхондарёга ҳаракатланувчи йўловчи поездига 5-10 та чипта қолганини билдирди. «Байрам муносабати билан қўшимча рейслар қўйилиши мумкинми?» деган саволимизга эса «Билмайман, хабаримиз йўқ» деб жавоб берди.

Операторнинг жавобидан қониқмай, компаниянинг онлайн чипталар сотуви йўлга қўйилган «e-ticket.railway.uz» сайтига кириб кўрдик. Чиндан ҳам байрам арафасидаги кунлар учун биронта чипта қолмаган. 22 март санасидагина тезюрар поездда Қаршига етиб олиш мумкин экан. Операторнинг хабари йўқдир, веб-сайт яхши ишламаётгандир, деган ҳаёлда темирйўл кассасига ҳам бордик, бироқ бу ерда ҳам манзара шундай: манзилга етиб олиш истагида бўлган йўловчилар ҳар қадамга учрайди, чипта деганлари эса анқонинг уруғи...

(Маълумот учун: «e-ticket.railway.uz» сайтида Тошкент – Қарши йўналишида «Афросиёб» чиптаси нархи – чегирмаси 141 000 сўм (10 фойз чегирма билан тахминан 126 900 сўм), «Шарқ» чиптаси нархи – 89 000 сўм (15 фойз чегирма билан тахминан 75 650 сўм).

ИККИНЧИ ЙЎЛ: манзилмизга самолётда етиб олиш учун «Uzbekistan Airways»нинг алоқа марказига (78 140-02-00) боғландик. Оператор барча аҳоли қатламларида 50 фойзлик чегирма эълон қилингани, бироқ барча шаҳарларга ҳам кунлик рейслар йўлга қўйилмаганини билдирди. Мисол учун, Қаршига ҳафтада икки кун (сешанба ва жума), Самарқандга ҳафтада уч кун (сешанба, чоршанба, жума), Бухорога эса ҳар кунги рейслар мавжуд. Кассаларда чегирмали чипталар бор. Бироқ, қўриб турибсизки, байрам муносабати билан Қашқадарёга самолётда етиб



олмоқчи бўлган киши 18 март санасида (чегирмасиз, фақат бизнес класста жой қолган, нархи – қўл юки билан 1230 392 сўм) ёки 22 мартда (чегирмали, иқтисодий класс, нархи – қўл юки билан 132 689 сўм, қўл юкисиз 120 627 сўм) йўлга чиқиши керак.

УЧИНЧИ ЙЎЛ: вилоятлараро автобуслар қатнови йўлга қўйилганидан хабарингиз бор. Шартли манзилга байрам арафасида етиб олиш учун Тошкент автовокзалининг 71 207-87-00, 71 207-87-02 телефон рақамларига боғландик. Бироқ икки кунлик уринишларимиз бесамар кетди: ҳар икки рақам фақат «линия банд»лигини кўрсатди. «Вилоятларга кетувчилар кўп, шунга тушиш имкони бўлмаётгандир-да», деган яхши гумонда автовокзалнинг «avtoticket.uz» сайтига кириб кўрдик. Маълум бўлдики, Қаршига етиб олиш учун фақатгина 19 март санасида иккита рейс бор. Биттаси сотилиб бўлинган, иккинчисига 69 000 сўмдан жойлар мавжуд. Қолган байрам кунлари учун рейслар мавжуд эмас.

Қўриб турибсизки, байрам кунларида поезд учун аксарият йўналишларда чипталар қолмаган. **Хўш, акция эълон қилинишидан олдинроқ чипталар тугаб бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Нега компания буни била туриб, яна акция эълон қилади? Ё бўлмаса, самолётда манзилга етиб олмоқчи бўлган киши айрим кунларигина чегирмадан фойдалана олади. Байрам кунлари автобус қатновларининг йўқлини эса, очиги, тушунмадик.**

ТУРТИНЧИ ВА МАЖБУРИЙ ЙЎЛ: юқоридagi вазиятлардан ким кўп ютади, албатта, вилоятлараро қатновчи йўналишсиз таксилар! Ўзбекистонда байрамлар бошланиши биланоқ, такси ҳайдовчилари йўлқира нархларини кўтариб юбориши

Хозирда имтиёзли (чегирмали) чипталарни онлайн сотиб олиш, мuddатини ўзгартириш ёки қайтаришнинг имкони йўқ. Бунинг учун, албатта, кассаларга бориш, керакли маълумотномаларни шахсан топшириш керак бўлади.

янгилик эмас. Фарғона водийси, воҳа вилоятларига боришни истасангиз, бу, айниқса, сезилади. Мисол учун, оддий кунларда Қаршига таксида 70-100 минг сўмга етиб олиш мумкин. Байрам арафасида эса бу нархлар 120-150 минг, ҳатто 180 минг сўмга кўтарилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай таксиларнинг деярли 80-90 фойзиди эса йўловчи ташиш учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

Ҳайдовчидан масофа ўзгармаслиги, ёқилғи бир хил сарфлангани ҳолда, нега оддий кунларга қараганда байрам арафасида нархлар ошиши ҳақида сўрасангиз, бунга ҳам жавоби тайин: «Биз учун фақат байрам арафасигина «сезон», фойдалана олади. Байрам кунлари автобус қатновларининг йўқлини эса, очиги, тушунмадик. **ТУРТИНЧИ ВА МАЖБУРИЙ ЙЎЛ:** юқоридagi вазиятлардан ким кўп ютади, албатта, вилоятлараро қатновчи йўналишсиз таксилар! Ўзбекистонда байрамлар бошланиши биланоқ, такси ҳайдовчилари йўлқира нархларини кўтариб юбориши

юрининг ўзи бир азоб, бироқ бу жиҳатлар айнан байрамлар арафасида нархлар ошишини оқламайди.

«Ҳар бир йўловчи сизга 100 минг сўмдан тўлайди. Натижада сиз 400 минг сўм оласиз. Автомобиль «газда» бўлгани учун сиз максимум 70 минг сўм сарфлайсиз. Бир йил давомида шундай стандарт нархга эга бўлиш мумкин эмасми?» – дея савол қотсангиз, яна ҳайдовчи ҳаётдан нолий бошлайди (бу ҳайдовчиларнинг ўзини оқлаш учун стандарт усули). Маълум бўлишича, уларга ҳамма нарса қимматга тушади, «свеча»лар, баллонлар, мотор мойини тез-тез ўзгартиради, ҳамма нарса қиммат туради, оила боқиш керак, яқинда қизини турмушга беради, мебель сотиб олиш лозим. Тўхтовсиз қолиш. Ўз навбатида, савол тўғрисида: **Йўловчилар ҳақида ким уйлайди? Ишонинг, кўплаб йўловчиларда ҳам муаммолар етарлича...**

Қолаверса, таксилар фақат нақд пулга ишлайди. Тўғри, аввалдан келишиб, АЁҚШларда қилган харидига пластик орқали тўлатишингиз мумкин. Лекин нега пул пластикда бўлгани учун фуқаро ўзини ноқулай, айбдордек ҳис этиши керак? Боз устига, баъзи такси машиналарининг ҳолати санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Уриндиклар чўкиб, қирланиб кетган, ёқимсиз ҳид кўнгилни айнитади.

Ақсарият такси ҳайдовчиларига хос бўлган яна бир жиҳат шундаки, манзилга тезроқ етиб олиш, кўпроқ одам ташиб қолиш учун йўлларда тезликни меъёридан оширишади. Бир томондан бу йўловчиларга ҳам яхши: қанча тез борса шунча маъқул. Аммо хавфсизлик, манзилга соғ-омон етиб бориш-чи? Йўлларда содир бўлаётган энг муҳдиси «авария»ларга, аввало, тезликни ошириш сабаб бўлмаяптими? Ахир

ўша ҳайдовчининг ўзи ҳам кунда-кунора ана шундай кўнгилсизликларга гувоҳ бўлиб туради-ку? Бахтсиз ҳодисаларга учраганлар қисмати дйабат бўлмайдими?

БОШНИ УШЛАБ УТИРАВАМИЗМИ? Юқорида қайд этилган ҳолатлар айнан бу йилги Наврўз байрами арафасида юз бераётгани йўқ. Бу манзарага қарий 10-15 йилдан буён гувоҳимиз. Бироқ «Ҳар баҳорда шу бўлар тақрор...» деганларидек, ҳар байрамда шундай вазият қузатилса-да, унинг ечими билан тузукроқ ҳеч ким шугуллангани йўқ. Хўш, нима қилмоқ лозим?

Энг аввало, поезд ва самолётга чегирма эълон қилинар экан, кассадда чипта бор-йўқлигига бир қўр назар ташламоқ керак. Вазиятдан келиб чиқиб, қўшимча вагонларни, рейсларни йўлга қўйиш мумкин. «Ички туризмни ривожлантираемиз», деб бонг уряпмизу, оддий чипта масаласини тартибга келтириб қўя олмаётимиз.

Шунингдек, ҳозирда имтиёзли (чегирмали) чипталарни онлайн сотиб олиш, мuddатини ўзгартириш ёки қайтаришнинг имкони йўқ. Бунинг учун, албатта, кассаларга бориш, керакли маълумотномаларни шахсан топшириш керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, оворатарчиликлар ва қатта навбатларни келтириб чиқаради. Демак, электрон чипта сотиш тизимида босқичма-босқич мана шундай функцияни ҳам қўйиш бориш лозим.

Қолаверса, таксилар билан боғлиқ масалани республика доирасида қўриб чиқиб, барча таксилар учун мажбурий техник, санитар-гигиеник ва маънавий-ахлоқий талаб ва меъёрларни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Таксилар хизматидан қониқмаган, норози бўлган фуқаролар учун тезкор алоқа каналларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ.

ҲОЛАТ

Маҳалла ўз ишини қиладимми ёки ҳуқуқбузарни пойлайдимми?

Маҳалламиз туман марказига яқин ҳудудда жойлашган. Санаят зонаси ҳисобланади. Битта кўча тўлиқ ҳовли уйлардан иборат, шунингдек 32 та кўп қаватли уйимиз ҳам бор. Худудда 10 дан ортиқ қатта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари, цехлар фаолият юритади. Ишсизлик масаласи ҳам йўқ ҳисоби. Кўпчилик ушбу корхоналарда меҳнат қилса, айримлари хизмат кўрсатиш соҳаларида банд. Умуман олганда, бандлик яхши таъминлангани ҳисобига миграция масаласида муаммолар йўқ.

Маҳалламизнинг «драйвери» – аравачиллик ҳисобланади. Битта кўчамиздаги 32 та хонадоннинг барчаси шу касб билан шуғулланади. Шунинг ортидан уй қураётган, машина олаётган, туй қилаётганлар кўп. Ўз навбатида, уста хунармандлар билан «устоз – шогирд» аъёнаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Кўплаб ёшларимиз бугун шу хунар сир-асрорларини кунт билан ўзлаштирамоқда.

Бизни кўп йиллардан буён йўл масаласи қийнаб келарди. Қатта корхоналарга қатта ҳажмдаги машиналарнинг келиб-кейтиши йўлларимизга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, яқинда маҳалламиз ичдаги йўлнинг 2 километрга қумли шгали ётқизилди. Қолаверса, битта кўчамизда газ масаласи оғирроқ эди. Бу муаммо ҳам ҳал этилди. Эндиликда маҳалламиз 100 фойз газ билан таъминланди.

Йигинимиз фаолиятига тўхталсам, масъул котиб штати тугатилгач, очиги, иш ҳажми ортгани ҳисобига барча ишга улгурмаётгандик. Яхшики, ҳочим ёрдмачиси ва ёшлар етакчиси штати ажратилди. Олдинлари битта кредит ажратиш ёки аҳоли бандлигини таъминлаш учун ҳам раис югуришига тўғри келарди. Эндиликда ҳочим ёрдмачиси айна масалаларда кўмакчи бўлмоқда. Ҳозир аҳолига 30 млн. сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш, субсидия асосида иссиқхоналар қуриб бериш ишларида ёрдмачининг хизматлари қатта бўлаётди.

Ёшлар масаласига тўхталадиган бўлсак, очиги, бу жиҳат бугунгача ҳам эътибордан четда қолмас эди. Бироқ бизга кўмаклашиши керак бўлган ходим – мактабдаги ёшлар етакчиси ўз ишидан ортмасди. Ундан маҳалла фойдасига фойдаланишнинг умуман имконияти йўқ эди. Айрим уринларда ёшлар ташкилоти бунга рухсат ҳам бермасди. Мана, энди маҳалланинг ўзида ёшлар етакчиси штатининг ажратилгани навқирон авлод вакиллари билан ишлаш самарадорлигини ҳам оширмоқда.

Фаолиятимизда бизни ўйлантираётган айрим жиҳатлар ҳам бор. Мисол учун, ҳуқуқбузарликлар масаласида гоҳида «емаган сомса»мизга пул тўлаб қоламиз. Туман маркази эмасми, турли олис маҳаллалардан шиоҳоналарга, бозорларга фуқаролар келишади. Айрим ҳолларда улар ўртасида содир бўладиган ҳуқуқбузарликлар учун ҳам маҳалладан ҳисоб сўрашади. Қизик, маҳалла раиси ўз ишини қилсинми ёки худудига ким келгани, у қаерда нима иш қилаётганини кузатиб юрсинми? Тўғри, профилактика инспектори ҳар қандай ҳолатни кўздан қочирмайди, бироқ унинг ҳам зиммасига юклатилган вазифалари кўп.


Таклифим: ҳуқуқбузарликлар статистикаси билан боғлиқ ҳолатни қайта кўриб чиқиш лозим. Нега энди бошқа худуддан келиб, жанжал ёки ўғирлик содир этган фуқаролар учун ҳам биз жавоб беришимиз керак? Тўғри, худуд бизники, унинг осойишталигини таъминлаш ҳам бизнинг зиммамизда, бироқ четдан келган фуқароларнинг тарбияси, одоб-ахлоқига биз жавоб бера олмаемиз-ку? Шу боис ҳуқуқбузарликни содир этган фуқаро қайси маҳалладан бўлса, салбий ҳолат ўша маҳалла ҳисобига юритилиши керак.

Гулсал ҲАЗРАТҚУЛОВА, Жарқурғон туманидаги «Пахтазавад» маҳалла фуқаролар йигини раиси.



БЕҲАЁ РЕКЛАМАЛАР

Улуғбек ИБОДИНОВ.



ТУФАЙЛИ ТЕЛЕВИЗОР КЎРИБ БЎЛМАЯПТИ

Бугун жинсий қувватни оширадиган дориларни реклама қилаётган телеканаллар эртага нимани тарғибот қиларкан...

Хар қайси миллат, давлатнинг қандай яшаши, нималарга интилаётганини билиш учун унинг телеканалларини кўриш кифоя. Бу муқаддас минбар миллийлик, ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва бошқа инсоний туйғулар тарғиботига хизмат қилмоғи лозим. Зеро, унинг моҳияти ҳам шунда. Бу қудратли курол одамзотни яхшилик, эзгуликка ундаш учун кашф қилинган. Аммо...

Аммо бугун бизнинг телеканалларимиз шу мақсадлар йўлида ишляптими? Бу анча баҳсли савол. Яланғоч хотинларни эфирга олиб чиқиб, шарманда қилиш, болалар учун аталган каналларда кийимсиз саҳналар, миллийлигимизга мутлақо зид келадиган мультфильмларни намойиш қилиш, ҳаёт зарбаларидан эсанкираб қолган одамларни курсатувларга таклиф қилиб, баттар доводиратиш, эл олдида уялтириш, ниҳоят, турли гинекологик «тампон» ва жинсий қувватни оширувчи дори-дармонлар рекламаси телеэфирни қамраб олган. Юқоридагилардан бирор-бир эзгулик умид қилинганига ишониб қийин.

ҲАР НАРСАНИ ҲАМ РЕКЛАМА ҚИЛАВЕРМАЙЛИК

Барчамиз яхши тушунагимиз. Замонавий оламда реклама ҳар қандай бизнеснинг асоси, равнақ топишининг муҳим шартли ҳисобланади. Бундан ташқари, телеканаллар «тиричилиги» учун ҳам реклама керак. Аммо пул учун бутун миллатнинг ахлоқи, одобини ҳавф остига қўйиб бўлмаслигини ҳам тушунагимиз-ку. Қизлар дадаси, ака-укалари олдида турли маънодаги эълонларни кўрмаслиги кераклиги аниқ. Зеро, уят тушунчасини аста-секин синдириб борилиши тез орада ўзимизга катта зарба бўлиб қайтиши турган гап.

Бу ўринда, аввал ҳам айтганимиз, ўтмишта қараб хулосалар чиқарсак, яхши бўларди. Биламизки, 1990 йилларда телевизорда сигарета очiqчасига реклама қилинар эди. «Хон – шарқона лаззат» шиори остида юз минглаб ёшлар кашандаликка ўрганди. Ҳатто вояга етмаганлар ҳам кўчадан «бичок» териб чекканининг гувоҳи бўлганмиз.

Пиво рекламаси ҳам анча фаол намойиш қилинган. Жазирамада «Heineken» пивосини ичиш одамни «жаннат боғларига элтиши» тўғрисида тасаввур уйғотадиган эълон айнан «Ўзбекистон» телеканалдан эфирга узатилган. Наतिжада бугун ўпка саратони касаллиги авжига чиқди. Ўша эълонлар таъсирида сигаретадан бошлаб, кейин нос чекишга ўтган одамларнинг қанчаси ошқозон, оғиз бўшлиғи саратони ва бошқа шу турдаги касалликларга чалинди. Алкоголизм айрим ҳудудларимизнинг катта муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шукрки, озроқ вақт ўтиб, бунинг оқибатини ҳис қилган масъуллар зарур чораларни қўлашди. Сигарета ва спиртли ичимликлар рекламалари тўхтатилди. Бунинг ўрнига кашандалик ва алкогольизмга қарши тарғибот бошланди. Аммо раҳбарлар мазкур хулосага келишлари учун қанча инсоннинг тақдири ўзгариб кетганини санаб бўлмаса керак.

ЖАМОАТЧИЛИК ЖИМ ТУРГАНИ ЙЎҚ, АММО УНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Кўп бора айтдик, беҳаё рекламалар туфайли оила даврасида телевизор кўриб ҳам бўлмай қолди. **Жинсий қувватни оширадиган дорилар, простата безни фаолиятига таъсир ўтказувчи воситалар, қанақадир «тампон»лар тўғрисидаги эълонлар одамнинг асабига тегади.** Булар деярли ҳар бир каналда, мисол учун, «Миллий», «Севимли», «Наво», «Киноте-

Яланғоч хотинларни эфирга олиб чиқиб, шарманда қилиш, болалар учун аталган каналларда кийимсиз саҳналар, миллийлигимизга мутлақо зид келадиган мультфильмларни намойиш қилиш, ҳаёт зарбаларидан эсанкираб қолган одамларни курсатувларга таклиф қилиб, баттар доводиратиш, эл олдида уялтириш, ниҳоят, турли гинекологик «тампон» ва жинсий қувватни оширувчи дори-дармонлар рекламаси телеэфирни қамраб олган.

атр» телеканалларида бор. Ҳатто ишонасизми, шундай дорилар ҳақида махсус курсатувлар эфирга узатиляпти. Қизиги, эълонларда ҳеч бир уят, андиша меъёрларига амал қилинаётгани йўқ.

Хуқуқшунослар нима дейишади, билмадим-ку, шахсан бу рекламаларни фаҳш тарғиботи, деб баҳолаган бўлардим. Аммо уларга нисбатан юқорида айтганимиздек, чоралар қўлланилмаяпти.

Қўлланилмайди ҳам. **Нега дейсизми? Шу телевидениега реклама тартибларини белгилайдиган депутатларимизнинг айримлари узлари шу каби эълонларни ижтимоий тармоқларда берганини би-**

ламиз. Масалан, ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Ўрал Ўразбоев ўзининг телеграмдаги расмий саҳифасида Олий Мажлисда бўлаётган расмий тадбирлар тўғрисидаги хабарлар билан бир қаторда жинсий қувватни оширувчи, таркибида эркаклар танаси учун фойдали унсурларга бой бўлган, жинсий фаолиятини кучайтирувчи ёки уни даволовчи таъсир эга, дея Хитойда ишлаб чиқарилган «Jin-shin» воситасини кўп бора тарғиб қилиб келаётгани маълум бўлиб қолганди. Бу масалада ҳам Олий Мажлисининг ахлоқ комиссияси ёки бошқа бирор ташкилот муносабат билдирганини кўрмадик.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Биз ҳақда минг марта чиранганимиз, гапирганимиз, куйинганимиз билан ҳали-вери бирор натижага эришишимиз дарғумон, тўғривоғи, эриша олмаимиз ҳам. Жамоатчилик ўз муносабатини билдирапти, лекин масъуллардан жавоб йўқ, Нима қилмоқ керак?

Бизни қийнаётган савол ҳам шу – **НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?** Шунақа рекламаларни берганига қараганда, телеканаллар масъулларини биринчи навбатда айблаш тўғривоқ бўлади. Чунки миллионлаб аудиторияга намойиш этилаётган ҳар битта лавҳа – у реклама бўладими, кўрсатув бўладими, миллий ва маънавий қадриятларимизга мис келишини тарозуга солиб кўриш керак. Қўпол бўлса ҳам бир мисол: даромад топаман деб, ҳаром ишлар билан тиричилик қилаётганларни ким оқлайди? Ҳеч ким. Шундай экан, пулини тўлаб кўйган деб, фарзандларимиз онги ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатадиган лавҳаларни намойиш қилишдан қаттиқ тийилиш керак эмасми?

Иккинчидан, реклама тўғрисидаги

қонунларни такомиллаштиришга масъул бўлган қонун ташаббускорлари нега жим қараб туришибди? Ахир, рекламани кўраётганлар орасида уларнинг ҳам фарзандлари, яқинлари бор-ку? Телеканаллардаги бу ҳолатни кўриб, жамоатчилик муносабат билдиргани билан телевидениега даромад келтираётган бу ҳолатлар йўқолиб қолмаяпти. **Мавжуд реклама тўғрисидаги қонунларимиз эса дори-дармон, хусусан, жинсий заифликка қарши ишлатиладиган дориларни реклама қилишни тақиқлагани йўқ.** Тақиқлаш оммавий ахборот воситасини атай даромад манбаидан узиб қўйиш, деб баҳолашни ҳам мумкин. Телеканаллар: «Соғлиқни сақлаш вазириликнинг тегишли тизимлари томонидан сотишга рухсат берилган дориларни нима учун реклама қилмаслигимиз керак?», деган иддаони ҳам илгари суришлари тайин. **НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?..**

Бу ҳолатда бошқа иддаолар ҳам олдинга чиқади. Тарғиб қилинаётган дори воситаларининг аксарияти шифоқор тавсияси билан қабул қилиниши кераклиги айтилади. Айниқса, жинсий заифлик билан боғлиқ воситалар жуда кучли ва фаол компонентларга эга. Узоқимчаллик билан уларни истеъмол қилиш, оғир оқибатлар, хатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Шундай экан, рекламалар одамларни дори истеъмол қилишга ўзбилармонликка ундаши, шу орқали саломатлигига зарар етказишини инобатга олиш керак.

Соғлиқни сақлаш вазириликнинг мутаассадилари шу турдаги дори воситаларини Ўзбекистонга олиб киришга рухсат бераётганида рухсатнома ёки сертификатга алоҳида бўлим кўшиш, унда мазкур воситанинг оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш мумкин ёки мумкин эмаслигини ҳам белгилашлари ниҳоятда кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланиб қоляпти.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИ

«Ҳоким ёрдамчиси билан умумий дастур ишлаб чиқдик...»

Худудимиз мамлакатимиздаги қадимий аҳоли яшаш пунктларидан бири ҳисобланади. Бу ердан Бухоро амирлари томонидан қавлатилган тарихий ариқ ўтган. Ота-боболаримиз сув атрофида қишлоқ барпо эттишган. Манбаларда Бухородан Қизилқум саҳролари, Хоразм, Марв тарафга йўл олган карвонлар шу ерда тўхтаб, озиқ-овқат, сув ҳамлашгани айтилади. Қишлоғимизнинг номи ҳам «Ғамхўр» – «ғамлаш» маъносини беради.

Отамурод ТУРСУНОВ, Қизилтепа туманидаги «Ғамхўр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Одамларимиз, асосан, чорвачилик, узумчилик билан шуғулланиб келишмоқда. Ҳар бир хонадонда камида 5-10 та қўй, икки-учта қорамол бор. Суғорилмайдиган ерларимизда яйловларнинг куплиги бунга яхши имконият яратади. Хуллас, тиричилигимиз тўқис. Гўшт, сут-қатиқ, ёғ муаммоси бизга бегона. Бундан ташқари, қишлоқда паррандачилик корхонаси ташкил этилган. Наतिжада товуқ гўшти ва тухум ҳам


бозордагидан анча арзон. Томорқаларда узумчилик ривожланган. Тойпи, қора кишмиш етиштирилади. Узумчиликка ихтисослашган 3 та йирик фермер хўжалиги фаолият юритади. Бизнинг узумлар, асосан, виночилик корхоналарига топширилади. Қолаверса, майиз тайёрлаш ҳам эски урфларимиздан бири. Илгари «Ғамхўр» маҳалласида 5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиларди. Хонадонлар сони ҳам мингдан ортиқ бўлган. Ўтган йили маҳалла иккига ажратилди. Пастки қишлоқ «Нурафшон» маҳалласи сифатида ажралиб чиқди. Ҳозирда бизда 505 та хонадонда 2 минг нафардан ортиқ аҳоли қолган. Наतिжада ишларимиз енгиллашди. Уйма-уй юриш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, моддий ёрдамлар бериш учун етарлича вақт ажратадиган бўлдик. Шу кунларда ҳоким ёрдамчиси билан қайтадан уйма-уй

юришни якунига етказдик. Ҳаммамнинг муаммоларини ёзиб олиб, умумий дастур ишлаб чиқиб, ҳокимликка топширганмиз. Таклифларимизнинг кўпи бўйича тегишли ишлар ҳам бошлаб юборилган.

Масалан, маҳаллада янги боғча қуриш бизга жуда зарур. Қўшни қишлоқда «Қўшработ текстиль» корхонаси ишга тушган. Хотин-қизлар учун иш ўрни талай. Жорий йилнинг ўтган даврида ўн нафар аёлни шу корхонада иш билан таъминладик. Ймкониятлар ҳамон кўп. Биласиз, аёл кишининг ишлаши учун, аввало, унинг фарзандларини ишончли қўлларга топшириш керак. Бизда эса биргина 60 ўринли йилнинг ўтган даврида ўн нафар аёлни шу масалага алоҳида урғу берилган. Ташаббусимиз ҳокимлик томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Уйлайманки, тез орада мазкур масала ижобий ечим топади. Бундан ташқари, янги мактаб, маҳалла гузарури қуришлари масаласи ҳам режадан урин олган.

Яна бир ташаббусимиз – қишлоқ четида тик қудуқ қазиш масаласи ҳам ечим топиш арафасида турибди. Маблағ фермерлар кенгаши томонидан ажратилиши назарда тутилмоқда. Сув бўлса, худудимизда томорқачилик янада ривожланишига аминман.

БИЛАСИЗМИ?



СУБСИДИЯ олиш тартиби ҳақида 5 саволга жавоб

- **СУБСИДИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?** – Субсидия олиш мақсадида ариза билан 18 ёшга тулган фуқаролар мурожаат қилиши мумкин. Субсидия даромади юқори бўлмаган ва уи-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ижтимоий мезонлар асосида берилади. Даромади юқори бўлмаган оила деб эса қуйидагилар эътироф этилади:
 - ◆ Қишлоқларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан (2 млн. 466 минг сўм) 6,9 бараваригача (5 млн. 671 минг 800 сўмгача);
 - ◆ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида белгиланган МҲТЭКМнинг 3 бараваридан (2 млн. 466 минг сўм) 8 бараваригача (6 млн. 576 минг сўмгача);
 - ◆ Тошкент шаҳрида белгиланган МҲТЭКМнинг 3 бараваридан (2 млн. 466 минг сўм) 9,2 бараваригача (7 млн. 562 минг 400 сўмгача) бўлган оилалар.
- **ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРИ ҚАНЧА?** – 2022 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори:
 - ◆ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида – 327 млн. 250 минг сўм;
 - ◆ Тошкент шаҳрида – 416 млн. 500 минг сўм.
- **ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ФОИЗ СТАВКАСИ ҚАНЧА ВА УНИНГ ҚАНЧА МИҚДОРИ ҚОЛЛАБ БЕРИЛАДИ?** – Ипотека кредитлари бозор шартлари асосида белгиланадиган фойз ставкаларида ажратилади.
 - Субсидиялар:
 - ◆ квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисmini қоплаш учун – 32 миллион сўм;
 - ◆ кредит бўйича фойзнинг бир қисmini қоплаш учун – биринчи 5 йилда 10 фойздан ошган қисмига туланади.
 - **СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?** – Субсидия олиш учун исталган туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) рўйхатдан ўтиш керак.
 - **ҚАНДАЙ ҲУҶЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ?**
 - ◆ жисмоний шахннинг шахсий идентификация рақами маълумотлари;
 - ◆ оила аъзоларининг шахсий идентификация рақами маълумотлари ва никоҳ гувоҳномаси, фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари (мавжуд бўлганда);
 - ◆ никоҳ бекор қилинганлиги оид ҳужжатлар ёки оилавий ҳолати тўғрисида ФХДЁ органлари архивидан маълумотнома;
 - ◆ доимий рўйхатга олинган жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар;
 - ◆ доимий яшаш жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича қарточканинг (17-шакл) нусхаси;
 - ◆ ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлари тўғрисидаги маълумотнома.



Талабанинг ўз соҳаси доирасида ишлаши аслида фақат фойда келтиради.

Хотин-қизларга белгиланган катта имтиёзлар, аксар ҳолларда уларга қарши ишламоқда.

ТАЛАБА ҚИЗЛАРГА ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛАДИМИ?

Шу кунларда хотин-қизларга кредитлар бериш, иш билан таъминлаш, ўқишга жойлаштириш ва ҳоказо имтиёзлар жорий этилмоқда. Ҳатто магистратурага кирган қизларнинг шартнома пуллари давлат томонидан қопланиши тўғрисида ҳам қарорлар чиқарилди. Бу нафақат нозик ҳилқат вакилларига ғамхўрлик мақсадида, балки мамлакат иқтисодийтини кўтариш учун ҳам жуда зарур. Аҳолининг деярли тенг ярмини ташкил қиладиган мазкур қатламнинг ишсиз ўтириши, касб эгалламаслиги молиявий аҳволимизга жиддий зарар келтиради.

Шерали ҚИРҒИЗБОВ.

Буларнинг бари яхши, аммо хотин-қизлар, айниқса, талаба қизларни иш билан таъминлаш масаласи оқсоқ эканини ҳам тан олиш керак. Талабанинг ишлаши доим бахсларга сабаб бўлган масаладир. Кимдир «Талаба ишласа, кули пул курса, вақти ишга кетса, дарсини ким қилади? Ўзлаштириши пасайиб кетади», деса, яна кимлардир «Ишласин, мустақил бўлсин, кўли меҳнатга ўргангани ҳам ўзига, ҳам яқинларига бекорчи юриб бир балоларни бошлаганидан кўра яхши» дейди. Аслида-чи?

НАҲАҚАДАГИЛАР ИШЛАШИ МУМКИН, ТАЛАБА-ЧИ?

Куни кеча мамлакатимизда нафақа ёшига етган фуқароларнинг ишлашига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган айрим қонун ҳужжатлари бекор қилинди. Энди иш берувчи ходимни пенсияга чиққани муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Аммо талабаларни иш билан таъминлаш масаласи эса ҳамон масалалигича қолмоқда. Талабанинг ўз соҳаси доирасида ишлаши аслида фақат фойда келтиради. Оз бўлса-да, моддий рағбат



БИЛАСИМИ?

Пенсия ёшига етган ходимларни бўшатиш тақиқланади

«Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-167-сон, 15.03.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, «Бир нуроний ўн ёшга масъул» тамойилини қарор топтиришдаги ташаббускор нуронийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади.

Ходимнинг пенсия ёшига тулганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

2022 йил 1 апрелдан:

– ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

– шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецетпта асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида дорилар, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилади ҳамда жароҳлиқ амалиётларининг харажатлари қопланади;

– оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецетпларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизгача суммаси компенсация қилинади;

– кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади;

– давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тулик қўллаб берилади.

2022 йил 1 сентябргача кексаларга оид маълумот ва янгиликлар уларнинг мобиль телефон рақамларига SMS орқали маълум қилиб борилади.

Мамлакатимизда фаол қариш индекси жорий этилади.

Хотин-қизларга белгиланган катта имтиёзлар, аксар ҳолларда уларга қарши ишламоқда. Иш берувчилар шу имтиёزلардан чўчиб, уларни ишга олишни исташмайди. Тадбиркорлик субъектлари эса норасмий ёллаш билан қифояланишни афзал кўради.

олиш билан бир қаторда, назарияни амалиётда ўрганади, диплом олгунга қадар яхши тажрибага эга кадрга айланади. Шундай эмасми?

Биз талаба бўлган кезлар бошқа факультет талабалари ҳавас қилишарди, нега

десангиз, журналистикада кўп талаба ийигит-қизлар 2-курсданок ишли бўларди. Ярим кунни дарсда, куннинг қолган ярмини эса иш жойида, ижод билан ўтказарди. Очиги, ўзим ҳам талаба бўлиб ишлаганман, ўшанда биз ўқиган фанлар, дарсда ўрганган назариялар ҳаётда умуман бошқа эканини тушунганман. Ҳўр бўлиб келиб, тахририятда бўлим мудирлари қўлида чиғирқидан ўганим, тарбияланганим эсимда. Ана шу кундан мен ҳақиқий маънода ўқишни бошлаганимни тушунган эдим.

БОШҚА СОҲАЛАРДА-ЧИ?

Аммо кўплаб мен каби талабалар ўз соҳасида ишга кира олмаган. Шу боис кимдир официантлик қилса, бошқаси бозорга чиқишга, ҳатто мардикорликка боршига мажбур бўлишган. Баъзилар тунда юк ташишга ҳам чиқишгани ёдимда.

Айниқса, қизларнинг иш топиши катта муаммо, боиси ишга олувчи аввал қизнинг ёшини ўйлайди. Нега дейсизми, ахир турмушга чиқиб кетса, нима бўлади? У ҳам майли, оила курган қизларни умуман

ишга олишмасди, ҳадемай «декрет»га кетади, деб турли баҳоналар билан ортага қайтаришарди.

Афсуски, ҳамон жамиятимизда ана шу муаммо мавжуд. Ҳатто расмий ўринлар тўғрисидаги маълумотларда ҳам меҳнат ҳуқуқларини бузилиш ҳолатлари сақланиб турибди. Масалан, аксарият эълонлар 33-35 ёшли йигитлар ишга олинади, дея бошланади. Бунда Меҳнат кодексига белгиланган ёшга, жинсга қараб дискриминация қилишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги меъёрларнинг бузилиши кузатилади. Бу каби дискриминация, ҳатто жинс ва ёш бўйича мутахассислик талаблар зарур бўлмаган лавозимлар тўғрисидаги эълонларда ҳам бор.

ҚИЗЛАРНИ ЎҚИТАПМИЗ, АММО УЛАР ҚАЕРДА ИШЛАЙДИ?

Ишлаш иштиёқи ҳамма жойда ҳам аёллар орасида баланд бўлади. Хўш, улар қаерга борсин? Тўғри, қизларни ишга олиб, сўнг уларни тунги наватчиликка олиб қолишолмайди, қўшимча вазифалар юклаш қийин бўлади. Масалага очик кўз билан қараш керак.

Бугун тобора хусусийлашиб бораётган ишлаб чиқариш ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида Меҳнат кодекси талабларига тўла риоя этилишини талаб қилиш қийин. Қойдага бўйсунмаган бир-иккита корхонани жавобгарликка тортармиз, раҳбарига отнинг калласидек жарима қўлармиз, аммо бу билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Зеро, муаммонинг илдизи Меҳнат кодексининг ўзидадир. Тан олиб айтиш керакки, бизнинг кодекснинг «отаси» собиқ иттифоқ кодекси ҳисобланади. Қабул қилинганидан буён бозор иқтисодиёти талабларига аста-секин мослаштириб борилаётган бўлса-да, моҳиятан барибир эскирган.

Жумладан, хотин-қизларга белгиланган катта имтиёзлар, аксар ҳолларда уларга қарши ишламоқда. Иш берувчилар шу имтиёزلардан чўчиб, уларни ишга олишни исташмайди. Тадбиркорлик субъектлари эса норасмий ёллаш билан қифояланишни афзал кўради. Талаба қизларнинг аксарияти ўз касби бўйича қўшимча ишлай олмаётганининг сабабларидан бири ҳам шунда. Қийин бўлса-да, мазкур масалада жиддий ўзгаришлар қилинмоғи лозим.

АНА, ХОЛОС!

ЭШАКНИ СЎЙГАНГА ҲАМ, ГЎШТИНИ СОТГАНГА ҲАМ ЖАЗО БЕЛГИЛАНМАГАН

Мақсадбек ФАЙЗ.

Эсингизда бўлса, бир пайтлар «Шаршара» бренди остидаги колбаса маҳсулотларига эшак гўшти қўшилиб, савдога чиқариб келинаётгани борасида расмий хабарлар тарқалганди. Кейинроқ Тошкент шаҳридаги бозорларга ўлимтик ва айниган гўштлар етказилгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди. Афсуски, бу салбий хабарлар оқими шу билан тўхтамади. Яқинда Қашқадарё вилояти Косон туманидаги бир хонадонда яна шу каби нохуш манзара аниқланди.

Хўш, нима учун қонунбузарларга қарши кураш олиб борилса-да, ҳолат йўқомайпти? Нега одамлар бу қонунбузарлик ортидан келиб чиқадиган жавобгарликдан кўрқимайпти?

Айни шу саволлар билан қонунчиликда белгиланган моддалар ва жавобгарлик турларига қизиқдик. Афсуски, белгиланган ветеринария-санитария қонун ҳужжатларида сўйишга мўлжалланган ҳайвон турлари рўйхатига эшак киритилмаган. Аммо гўшт учун сўйиш тақиқланган ҳайвон-

лар орасида ҳам кўрсатилмаган. Бу эса қонунлардаги бушлиқни курсатади.

– Эшак гўштini истеъмол қилиш, бизнинг табиатимизга қолаверса, эътиқодимизга ҳам тўғри келмайди, – дейди Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати Фарҳод ЗАЙНИЕВ. – Бироқ сўнги вақтларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида эшак сўйиш ҳолатларининг кўпаяётгани кузатилмоқда.

Муаммо: Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шуки, эшак гўшти

сотилган ва сўйиш билан шугулланган шахсларга айнан шу қилмиш учун қонунчиликда аниқ жазо чораси ҳам йўқ.

Ваҳоланки, уларга фақатгина Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 111-моддаси: қайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни БҲМ 3 бараваридан (810 минг) 5 бараваригача (1 млн. 350 минг), тақдоран содир этилса, БҲМ 10 бараваригача (2 млн. 700 минг) ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосини қўллаш билан чекланмоқда.

Норасмий маълумотларга кўра, эшак гўшти ўртача 40 минг сўм атрофида сотилган. Бу эса белгиланган жарималарни эшак гўшти реализациясидан олинган даромаднинг арзимаган қисми билан тўлаш имкониятини яратади.

Шу боис бундай ҳолатларнинг

олдини олишда жойларда жамоатчилик назорати ва профилактика тадбирларини кучайтириш жуда муҳим.

Тақлиф: Одамларнинг ўзи билмаган ҳолда ҳавфсизлиги кафолатланмаган гўштни истеъмол қилишларига сабабчи бўлаётган ва эшак сўйишни ўзига касб қилиб олган шахсларни нафақат маъмурий жавобгарлик, керак бўлса, жиноий жавобгарликка тортиш адолатдан бўларди.

Чиндан ҳам, юқоридаги вазиятда қонунчиликдаги бушлиқдан хабардор инсон унинг оқибатидан кўрқмайди. Чунки у қилмиши ошкор бўлган тақдирда ҳам жавобгарликдан осонгина қутилишини билади.

Энди масаланинг маънавий жиҳатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Яъни муқаддас динимиз

талабларига, асрий анъаналаримизга кўра, эшак гўшти ҳаром, уни тарқатиш аксарият аҳолиси мусулмон бўлган Ўзбекистон учун мутлақ кечирилмас ҳолат. Шу маънода бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилиши, жазо малакаланиши, масаланинг маънавий жиҳати эса мустаҳкам асосланиши лозим.

Яна бошқа жиҳатдан эса бу ерда истеъмолчи ҳуқуқи ҳам бузилаётганини унутмаслик керак. Яъни эшак гўшти сотаётган қассоб буни харидорга очик айтиб сотмайди.

Демак, ҳуқуқий жиҳатдан бу ерда айнан истеъмолчи ҳуқуқлари ҳам кўпол равишда бузиляпти. Маҳсулотнинг келиб чиқиши сир тутилмоқда. Аслида, арзон маҳсулот мол ёки кўйи гўшти сифатида қимматроққа пулланяпти ва фирибгарликка йўл қўйилмоқда.

Санитария талабларига риоя этилаётгани ёки йўқлиги ҳақида ортиқча изоҳга ҳожаат йўқ.

Тақлиф: Бу каби ҳолатларда истеъмолчи манфаатлари бузилаётганини ҳам инобатга олиб, унга ҳуқуқий баҳо беришда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга ҳам қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш лозим.

Масаланинг яна бир оғриқли жиҳати, катта шов-шувларга сабаб бўлган бу каби ҳолатлар қанча кўп айтилган бўлса-да, қандай яқун топгани, қайси моддаларга кўра қандай жазо тайинлангани ошкор этилмаган.

Уйлаймизки, масалага маъсуллар янада жиддий ёндашиб, қонунлар ижросини назоратга олишади. Акс ҳолда юқоридаги нохуш ҳолатлар тақрорланаверади.

Танлов жараёни ҳам очиқ ва шаффоф ташкил қилинмаган.

Ғолибларни аниқлашнинг аниқ тизими йўқ. Мезонлар жуда мавҳум.



ТАНЛОВ ЖАРАЁНИ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ ЭМАС...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланган.

Ушбу фонд дастурлари доирасида билимли ешларнинг хорижда таълим олиши белгиланган. Шунингдек, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш учун номзодларни танлов асосида танлаб олиш схемаси тасдиқланган. Бу бевосита хорижий мамлакатлар етакчи университетлари, илмий марказлари, бошқа компания ва ташкилотларида истиқболли кадрларни ўқитиш учун буюртмалар портфелини шакллантиришдан тортиб, то ҳар йили декабрь ойи охиригача стипендиялар ғолибларига оид маълумотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Ўтган йиллар давомида қўлаб ешларимиз хорижда таълим олиш, малака ошириш имконига эга бўлди. Аммо унинг фаолиятини таҳлил қилиб, ҳали йўналишда муаммолар кўпчилигини кўриш мумкин. Айниқса, бу пуллар халқ пули, бюджет маблағи эканини ҳисобга олсак, камчиликлар зудлик билан ҳал этилиши талаб қилинади.

Масалан, хорижда ўқишга юборилган талабалар, уларнинг ҳар бирига қанча маблағ ажратилгани, ҳар бир стипендияга кетган харажат тийин-тийини гача очиқ бўлиши керак. Жамғарма сайтыда эса бундай маълумотларни топиб бўлмади. Яъни ҳар бир талабага қанча маблағ сарф қилинган, қанча миқдорда чегирмаларга эришилгани, жами маблағдан қанча қолдиқ қолгани бўйича саволларга хохлаган одам истаган вақтда жавоб олиш имконига эга эмас.

Қолаверса, танлов жараёни ҳам очиқ ва шаффоф ташкил қилинмаган. Айтилик, суҳбат жараёни шу кунгача онлайн тарзда намойиш этилмапти. Аслида бу қийин иш эмас-ку? Нега мутасаддилар жараёни очиқ, ҳамма учун шаффоф бўлишини хохламапти? Мана шу каби ҳолатлар эса Жамғарма фаолиятини шубҳага қўймоқда.

Юқоридаги саволлар билан



Жамғарма директори ўринбосари Жавоҳир Аҳмедовга юзланганимизда, мутасадди эътирозимизнинг ўринли эканини тан олган ҳолда, келгусида жараёни онлайн ёритиб боришни йўлга қўйиш мумкинлигини билдирди. Ҳар йили танлов шартлари такомиллаштириб борилаётганини қайд этиб, ўтган йили номзодлар бали умумий тарзда эълон қилинган бўлса, бу йил натижалар ўша кунгидек маълум қилинаётганига алоҳида тўхталди.

Хорижий давлатларда бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олиш учун 2022 йилги 1-стипендия танлови бўйича номзодларнинг билиминини баҳолаш УСЛУБИЭИга қўра, очиқ саралаш танлови икки босқичда ташкил этилади.

Биринчи босқичда номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилади ва Низомда белгиланган талабларга мос келадиганларнинг ҳужжатлари сараланади.

Саралашда номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг талаб қилинган рўйхат бўйича мавжудлиги ва тегишлилиги (ёши, мутахассислик бўйича зарур меҳнат стаж, хорижий тилни билиш даражаси ҳамда хорижда ўқишга киришга қўйилган талаблар, илмий мақолаларнинг мавжудлиги ва бошқа талаблар) бўйича кўриб чиқилади ҳамда кейинги босқичга тавсия этилади.

Ушбу босқичдаги вазибалар

Жамғарма ҳузурида ташкил этилган Техник гуруҳ томонидан амалга оширилади. Ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос ёки мос эмаслиги аниқланиб, саралаш танловининг 2-босқичига ўтган иштирокчиларнинг йиғма рўйхати тузилади. Маскур йиғма рўйхат Жамғарма Танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Ушбу босқич натижаси баллар билан баҳоланмайди.

Жамғарма ўтказётган танлов жараёни янада такомиллаштиришга муҳтож. Унутмайлик, айти шу камчиликлар сабабли энг билимли, ўзгача фикр ва ғояларга эга ёшлар қолиб кетиши мумкин. Шу боис жараёни яна бир бор қайта кўриб чиқиш фойдадан холи эмас.

Мана шу босқичда ҳам бўшлиқларни кўриш мумкин. Биринчи босқичда мезонга қўра, номзод халқаро рейтингда камида 300-ўриндаги университетга таклифнома олган бўлиши керак. Тушунган инсон биладики, ҳаракат қилганлар учун бу натижага эришиш қийин эмас. Деярли аксарият номзодлар шундай университетдан таклифнома олган бўлиши мумкин. Мисол учун, 299-ўриндаги университетга таклифнома олган ҳам, 29-ўриндаги олийгоҳга қабул қилинган номзод ҳам иккинчи босқичга ўта олади.

Бизни ажаблантирган ва ташвишлантирган — ҳал қилувчи босқичда мана шу фарқ инобатга олинмади. Ҳатто уларнинг қўлга киритган грантлари ҳам кўриб чиқилмайди. Тушунярсизми, ҳатто сиз 50-ўриндаги университетга қабул қилинган бўлсангиз ҳам 299-ўриндаги университетга таклифнома олган номзод билан бир хил даражада ҳисобланасиз. Ваҳоланки, 300-ўриндаги университетга грант ютиш ТОП-50 таликка кирган университетга қабул қилинишдан осон.

Энди масаланинг иккинчи томонига эътибор берсак, бу университетларда ўқиб келган ёшлар мамлакат учун қай даражада фойдали кадр бўла олади? У ердаги таълим билан ўзимиздаги айрим олий таълим муассасаларидаги даража деярли фарқ қилмайди-ку? Бу ахир давлат бюджети, халқ пулини кўкка сувориш эмасми?

Мисол учун, ўтган йилги танловнинг 3-босқич бакалаврият йўналишида ғолиб бўлганларнинг 23 нафари АҚШнинг «Аризона» университетига ўқишга қабул қилинган. Жами 56 та ғолиб орасидан шунча вақилимизнинг битта университетида бориши нечоғли тўғри? Ўзи «Аризона» университети рейтингда нечанчи ўринда? Вақилларимиз у ердан ҳақиқатан ҳам энг илгор тажриба ва билимларни ўрганиб кела оладими?

Бу университет Халқаро тан олинган QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings) рейтингда 217-, Халқаро тан олинган THE (Times Higher Education) рейтингда 150-, ARWU (The Academic Ranking of World Universities) рейтингда эса 132-ўринда қайд этилган. Хулоса ўзингиздан.

Танлов мезонларида ТОП-100 лиқдаги университетга таклиф олган номзод билан 300-ўриндаги олийгоҳга кирганлар балли тенг бўлиб қолса ёки ўтиш балли етарли бўлса, уларга устунлик берилмаслиги бизни хайрон қолдирди. Масалан, нима учун вақилларимиз орасида дунё рейтингда 50-ўриндаги университетга таклифнома олганлар йўқ? Нега танлов шартда мана шу каби натижага эришганларга устунлик берилмаган? Мақсад энг нуфузли университетда ўқиб, тажриба туплаб келиш эмасми?

ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ АНИҚ ТИЗИМИ ЙЎҚ

Саралашнинг ҳал қилувчи қисмида 1-босқичда танланган номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва куникмалари, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларни, шунингдек, давлат тилини билиш даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида суҳбат ўтказилиши кўзда тутилади.

Суҳбат жараёнида номзоднинг хорижда таълим олишдан кўзлаган мақсади ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе(бакалаврият ва магистратура

учун), режалаштириётган илмий тадқиқотнинг мақсадлари, услублари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги эссе (докторантура учун)да ёритилган ғоя ва фикрларга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу босқичга манфаатдор вазирик, идора ва ташкилотларнинг юқори лавозимли раҳбар кадрлари, тегишли соҳа ва йўналишлар бўйича мутахассис-экспертлар, Республика Маънавий ва маърифат маркази мутахассислари, мустақил экспертлар ва психологлар жалб қилинади.

Мутахассислар томонидан номзодларнинг хорижий давлатда таълим олишга тайёрлиги, ўзга муҳитта ҳамда турли хил стрессларга мослашувчанлиги баҳоланади.

Суҳбат жараёнига Жамғарма вақили ҳам жалб қилинади. Жамғарма вақили номзодларга берилаётган саволларнинг тартиб-қоидаларга мувофиқлиги ҳамда баҳолаш мезонларига амал қилинишини кузатиб боради. Суҳбат натижаларини баҳолашда мустақил экспертлар, психологлар ва Жамғарма вақилининг фикри инобатга олинади.

Ҳар бир номзод билан суҳбат якунлангандан сўнг алоҳида суҳбат баёни тузилади. Ушбу баёнда номзодга берилган саволлар кўрсатилиши, шунингдек, номзод суҳбат бўлган хонани тарқ этишдан аввал ушбу баён билан танишганини тасдиқлаш мақсадида «Танишиб чиқдим» деб ёзиши ва уни имзолаши талаб этилади.

Жамғарманинг Васийлик кенгаши номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилиятлари даражасини аниқлашга қаратилган қўшимча тест синови ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Суҳбат натижалари Танлов комиссияси томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади.

Ғолиблик учун ўтиш баҳоси 61 балдан юқори бўлиши талаб қилинади. Шу натижани қўлга киритганлар мезонга қўра, стипендияга муносиб ҳисобланади. Аммо ажратилган квотага нисбатан энг юқори балл тўплаганлар саралаб олинади. Бунда агар сиз 61 балдан юқори натижа кўрсатсангиз ҳам, ажратилган ўринлар қисобига ўзингиздан юқоридаги номзодларга жой беришга мажбур бўласиз.

Лексин шу ерда ҳам ноаниқлик бор. Яъни бир хил малакаланган ва муносиб қўрилган номзодларнинг баллари бир-бирига яқин ёки ажратилган ўринга нисбатан кўп номзод бўлса, уларни хориждан олган грантлари, кирган университетлари рейтингини, танлаган соҳаси бўйича аниқ лойиҳалари инобатга олинмайди. Умуман, ғолибларни аниқлашнинг аниқ тизими йўқ. Мезонлар жуда мавҳум.

Мақола тайёрлаш жараёнида қўшни Қозоғистон тажрибасини ҳам ўргандик. Уларда иқтисодий ёшлар учун «Балашақ» стипендияси таъсис этилган. Бу танлов икки босқичда ўтади. Биринчи босқичда муносиб, деб топилганлар тест орқали синалади, иккинчи босқичда эса уларнинг билими мутахассислар томонидан суҳбат орқали аниқланади. Эътиборлиси, барча жараён онлайн шаклда шаффоф бўлади.

Гувоҳ бўлганингиздек, Жамғарма ўтказётган танлов жараёни янада такомиллаштиришга муҳтож. Унутмайлик, айти шу камчиликлар сабабли энг билимли, ўзгача фикр ва ғояларга эга ёшлар қолиб кетиши мумкин. Шу боис жараёни яна бир бор қайта кўриб чиқиш фойдадан холи эмас.

БИЛАСИЗМИ?

«Ёш ватандошлар реестри» ишга туширилади

«Давлат органлари ва ташкилотларида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёш мутахассислар ва ёш ватандошларга зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори (101-сон, 07.03.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2022 йил июндан хориждаги нуфузли ОТМда ўқиётган, етакчи компанияларда ишлаётган Ўзбекистон ешлари (ёш ватандошлар)га вазириклар, идоралар ва ташкилотларда ишлаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида: — ёш ватандошлар фаолияти давомида хизмат турар жойлари билан таъминланади; — давлат органлари ва ташкилотларида камида 2 йил ишлаган ёш ватандошларга уй-жой учун ипотека кредитининг дастлабки бадалли ва фойзаларнинг бир қисмини қоплашга субсидия берилади. 2022 йил 1 июнгача «Ёш

ватандошлар реестри» электрон тизими ишга туширилиб, маскур тизим хориждаги ватандош олимлар, экспертлар ва тадқиқотчилар очиқ рўйхатдан ўтадиган платформага интеграция қилинади. Ҳар йили 1 мартгача давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги малакали ёш мутахассислар ва ёш ватандошларни келгусида юқори лавозимга тайинлаш бўйича асосланган таклифларни Ешлар ишлари агентлигига беради. Агентлик 1 апрелгача таклифларни ўрганиб Президент Администрациясига тавсия киритади.

Афсуски, бизда машина шунчаки буюм ёки транспорт воситаси эмас, хашамат, нуфузлилик белгиси ўлароқ қабул қилинади.

Эзалиши қийин бўлган дардга чалинган учун пул тўлайди?

«UZAUTO MOTORS» ХАРИДОРНИ ЙУҚОТИБ ҚУЙИШДАН ҚУРҚМАЙДИ



ЁҚУДА АВТОСАНОАТНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚНИНГ ГАРДАНИГА ЮКЛАНИШИ АДОЛАТДАН ЭМАС

Март ойи бошида «UzAuto Motors» АЖ «Malibu 2» ва «Tracker» дан бошқа моделлар — «Gentra», «Cobalt», «Nexia-3» ва «Spark» нинг нархيني 10-12 фоизга оширди. Эндиликда «Gentra» 3-позиция — 153 506 000 сўм, «Gentra» 1-позиция — 128 284 000 сўм, «Cobalt» AT/plus — 125 795 000 сўм, «Nexia-3» AT/plus — 119 921 000 сўм, «Spark» 4-позиция — 104 095 000 сўмдан сотилади. Автосалонлар 3 мартдан янги (ошган) нархларда шартнома беришни бошлаган.

Айни мавзу ўша пайтдан буюн кун мавзусига айланган. Хар ҳолда 10-15 миллион сўм кам пул эмас. Буни эшитган хар қандай одамнинг хаёлидан биринчи бўлиб: «Ҳа, нарх ошган бўлса, машинанинг ҳам қайсидир функцияси яхшилانган, такмиллашган, дейлик, фойдаланиладиган металл яхшисига алмаштирилган ёки кондиционерими, печкаси, рули ё эшигидаги бирор қанчалик йуқотилгандир-да», деган фикр ўтиши табиий. Бирок хомтама бўласиз, сифат борасида ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Ўзгариш фақат нархларда бўлади.

Шу ўринда компания вакиллари: «Бизни божхона ҳимоя қилади, четдан келадиган автомобилларга бож миқдори билан экан, ноҳимиз бутун, бизни ҳеч ким синдирилмайди, шунинг учун хоҳлаган нархимизни қўйиб олаверамиз, одамлар хоҳласа-хоҳламаса олишга мажбур», дея ўйлашяптими, дерсиз? Афсуски, бу масалада сиз ҲАҚСИЗ!!

«Монополист» деган тағма ни доимо инкор этиб келадиган компания унинг хар қандай таклифига маҳаллий харидорлар «лаббай», дея жавоб беришни тақдим этган статистикаси орқали ҳам кўрсатиб қўйди. Яъни автомобилларга шартнома тузиш бошланган биринчи куннинг ўзидаёқ, бир неча соат ичида 13 минг 203 та автомобиль учун шартнома тузилган. Энг кўп шартнома «Chevrolet Lacetti» (6 минг 300 та) ва «Chevrolet Cobalt»га (4 минг 700 та) тўғри келади. Эйтиборлиси, янгиланган «Chevrolet Traverse» ва «Таһое» автомобилларини харид қилиш учун дастлабки 20 дақиқада компанияга 200 дан ортиқ буюртма келиб тушган.

Тўғри, танлов хар қимнинг шахсий иши. Унга аралашинишга ҳаққимиз йўқ. Бирок «нархлар жуда қиммат, давлат қаёққа қара-

япти» дея аюҳаннос солаётганларнинг ўзлари биринчилардан бўлиб нархи ошган бўлса-да, машина сотиб олаётгани қандай изоҳлаш мумкин?

Афсуски, бизда машина шунчаки буюм ёки транспорт воситаси эмас, хашамат, нуфузлилик белгиси ўлароқ қабул қилинади. Унинг ижтимоий аҳамияти катта, ҳатто жуда ошириб юборилган. Машина тўғридан-тўғри жамиятнинг айрим қатламларида одамнинг статусини белгилайдиган даражага келиб қолган. Шунинг учун одамларда пул бўлса, ишни машина олишдан бошлайди. «UzAuto Motors» эса халқимизнинг бу «фазили»дан унумли фойдаланиб келаётгани бор гап.

ЗАВОД ҚУРИЛИШИ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ҚИММАТГА ТУШИДИ

Аслида, бозорда менга машина ёқмаса ёки нархи қимматлик қилса, бошқасини танлай олишим учун танлаш имконияти бўлиши керак. Афсуски, бизда ана шу танлов йўқ, аниқроғи, танлаш ҳуқуқидан кўр-кўрона маҳрум қилинганмиз, битта монополистга боғлаб қўйилганмиз. Хоҳласак ҳам унинг ипини узиб чиқиб кетолмаймиз. Шундай қилмоқчи бўлсангиз, ҳукумат белгиланган шундай божлар борки, «тинчгина шу ердан машина олиб қўйганим маъқул», деган қарорга келасиз.

Чунки «UzAuto Motors» ҳам, уни қўллаётган ҳукумат ҳам бозор эркинлашишидан, рақобат муҳитидан қўрқади. «Миллий маҳсулот», деб кўкрак керишдан эса фойда йўқ. Бундай баланд-парвоз гаплар халқни қийнаш, сўришдан бошқа нарсага ярамайпти. Бу ўринда валюта четга чиқиб кетишидан қўрқадиган бўлсак, «миллий маҳсулотимиз»нинг аксарият қисмлари шундоқ ҳам чет элдан сотиб олинади, яъни маҳаллийлаштириш жуда кам.

Боз устига, айрим моделларни «UzAuto Motors» ишлаб чиқармайди. Шунчаки, масалан, Таиланддан сотиб олиб, устига ўз фойдасини қўйиб, кейин бизга сотади. Демак, валютани барибир четга чиқиб кетяпти.

Нархлар ҳақида сўз борганда, ҳақли савол туғилади: компания нега айнан халқимиз орасида энг талабғир ҳисобланган «Spark», «Nexia-3», «Cobalt» ва «Gentra»нинг нархини оширди? Ойликка қараб қолмаган, нисбатан ўзига тўқлар харид қиладиган «Malibu-2», «Tracker», «Trailblazer», «Equinox», «Traverse» ва «Таһое» нархлари эса ўзгариширишсиз қолмоқда. Ёки бу «Камбағални туяни устида ҳам ит қопади» нақлининг амалдаги ифодасими?

Бутун автосаноатимизни беморликдан қутқариш ҳаракатида эканмиз, унинг товонини халқ тўламаслиги керак. Унинг юқини халқнинг гарданига юклаш керак эмас.

Яна бир гап: оширилган нархлар экспортга чиқарилаётган машиналарга ҳам тааллуқлими? Умуман, ўзи нима учун «UzAuto Motors» ханузгача экспортга ички бозордан анча арзон нархда автомобиль сотмоқда? Мисол учун, бизда қарийб 40 минг доллар турган «Malibu-2» бошқа давлатларда икки баробар арзон нархларда сотилмоқда. Валюта тушуми ва ташқи бозорда шу йўл билан ўз ўрнига эга бўлиш баҳоналарига бутун ҳеч ким ишонмайди. Хўш, хоржиликлар «миллий бренди»мизни арзон сотиб олиши учун

нега биз каррасига қимматроқ тўлашимиз керак? Экспорт ички бозордаги нархни кўтариш ҳисобига қолланаётганини яна қандай тушуниш мумкин?! Боз устига, экспорт қилинаётган автомобиллар ички бозордагидан кўра яхшироқ жиҳозланган ва қафолат мўддатга ҳам кўпроқ, Яна ўша гап: қачонгача ўзбек халқи тузалиши қийин бўлган дардга чалинган бу тизимнинг инжиқлари учун пул тўлайди?

Айрим суҳбатларда: «Асакада автомобиль заводи қурилиши ўзбек халқига қимматга тушди. Агар бу завод қурилганида эди, бутун бизнинг кучаларимиз BMW, Mercedes, Toyotaлар билан тўлиб-тошган, нархи ҳам арзон бўлган бўларди. Қиммат «Nexia» эмас, арзон ва ишончли немис ёки япон машинасини олганимизда, қолган пулни уй қуришга, тўй қилишга, бизнес очишга ишлатганимизда фойдаси кўпроқ бўларди» деган мазмундаги фикрларни эшитиб қоламиз.

Бу мулоҳазалар қанчалик тўғри ёки нотўғри, буни хар ким ўзи ҳал қилади. Лекин бир нарса кундек равшан: Асакадан чиқадиган автомобиллар боис ички бозорда рақобат йўқолди ва монополия ўзининг қора ишини ҳали ҳам давом эттирмоқда.

ИЧКИ БОЗОР ШУНЧАЛИК КАТТИК ХИМОЯ ҚИЛИНГАНКИ...

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон 10 та давлатга қиймати 281,8 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 28 минг 952 та энгил автомобиль экспорт қилган. Экспорт ҳажми 2020 йилга нисбатан 56 фоизга ошган. Яна бир факт: 2020 йилда ишлаб чиқарилган энгил автомобилларнинг («Damas» ва «Lambo»дан ташқари) 91,6 фоиз қисми ички бозорга йўналтирилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 82,3 фоизгача тушган.

Энди ўйлаб кўринг: олдиндан тўлов қилган ички истеъмолчиларга чиплар етишмовчилигини рўқча қилиб, «сизлар озроқ кутиб турасизлар-да энди», деб, экспортни кескин ошдирётган заводни қайси асосга қура ҳимоя қилиш

керак? Завод шунга арзийдими?

Бу ҳақда фикр билдирар экан, таниқли иқтисодчи Мирқомил Холбоев: «Муаммо шундаки, ички истеъмолчиларда бошқа танлов имкониятининг ўзи мавжуд эмас. Бу эса уларнинг қанча керак бўлса, шунча қўтишига ва завод томонидан қўйилган исталган шартни қабул қилишига сабаб бўлаётган асосий омил ҳисобланади. Ички бозор шунчалик қаттиқ ҳимоя қилинганки, ишлаб чиқарувчи мамлакат ичидаги истеъмолчиларини йўқотиб қўйишдан мутлақо хавотир олмайди», дейди.

Қолаверса, 2021 йилда автомобиль экспортининг кескин ошганини ҳеч қанақасига ютуқ сифатида баҳолаб бўлмайди. Экспорт ҳажмининг ошиши — ички истеъмолчиларнинг автомобиль етказиб берилишини янада узокроқ қўтиши ва янада кўпроқ азият чекиши эвазига юз берган. Лекин бу завод ёки қарор қабул қилувчиларни асло қизиқтирмайди, чунки улар истеъмолчилар қўлига ўз автомобилларининг эртароқ етиб боргани билан эмас, балки статистикага кўра, экспорт ҳажмининг қанчалик ошгани ва мамлакатга кўпроқ «доллар» кириб келаётгани билан мақтанишади.

РАДИКАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВАҚТИ КЕЛГАН

Бошқа жиҳатдан олиб қараганда, «UzAuto Motors» автомобилларининг нархи ҳозир ҳам унчалик ҳамёнбоп эмас. Тан олайлик, эски нарх ҳам шу тоифадаги автомобиллар учун анча қиммат. Эринмасангиз, масалан, интернетга кириб, «Google»дан излаб кўринг,

P/S. Аслида, бозор шароитларидан келиб чиқиб, бирор талабгор машина ёки бошқа маҳсулотнинг нархи ошиши мумкин, бунақаси учраб туради. Аммо гап нархнинг ошиши ёки ошмаслигида эмас, гап халқ ўзи ёқтирмаган, ўзи хоҳламаган ва ўзи танламаган машинани сотиб олишга мажбурлигида. Ёки тескариси, халқ ўзи ёқтирган, ўзи хоҳлаган ва ўзи танлаган машинани оддий бозор нархида сотиб ололмаслигида. Асосий масала шунда. Бозорни эркин қилиб, халқ учун танлов имкониятини бериш-да, кейин истансангиз «Nexia» учун 1 млрд. сўм нарх қўйинг, бизга фарқи йўқ. Биров гинг демайди. Шикоят ҳам қилмайди. Норози ҳам бўлмайди. Афсуски, хали-бери бунақа бўлмайди. Хали-бери...

СОДИҚ АБДУРАСУЛОВ.

СТАТИСТИКА



Хар 1000 кишига қанча автомобиль тўғри келади?

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада жисмоний шахсларга тегишли жами энгил автомобиллар сони 3 051 734 тани ташкил этмоқда. Жисмоний шахсларга

тегишли энгил автомобиллар сони ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 284 608 тага ошган. Ўзбекистон Республикасида хар 1000 нафар доимий аҳолига ўртача 87 та энгил автомобиль тўғри келмоқда.

БИЛАСИЗМИ?



Ҳукумат қарори (106-сон, 09.03.2022 й.) билан «Автомобиль тарихи» маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди. Қарорга кўра, 2022 йил 1 майдан: — «Автомобиль тарихи» маълумотларини шартномавий асосда ДХМ, ЯИДХП (пу.gov.uz) ёки веб-сайтлар ва уларнинг иловалари орқали

Исталган автомобиль тарихига оид маълумотларни олиш мумкин

аниқлаш бўйича давлат хизмати йўлга қўйилади; — автотранспортни техник қўриқдан ўтказиш жараёнида давлат автотранспортнинг босиб ўтган масофаси ҳақидаги маълумотлар, жумладан, техник қўриқдан ўтказувчи тадбиркорлар томонидан ҳам мажбурий тартибда ахборот тизимига киритилади. «Автомобиль тарихи» маълумотлари қуйидагиларни ўз ичига олади: — автотранспортнинг агрегат маълумотлари; — босиб ўтган масофаси; — шартнома тузилганлигига оид маълумотлар (ишонч-

нома, ижара, ҳада); — йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганлиги; — қоидабузарликлар ҳолати; — гаровга қўйилганлик ҳолати; — тақиқ борлиги ёки йўқлиги; — божхона расмийлаштирувига оид маълумот; — лицензия олинганлик ҳолати (йўловчи ташиш учун). Давлат хизматидан фойдаланиш учун сўровнома тўлдирилади (ДХМ, ЯИДХП, веб-сайт ёки илова орқали). Давлат хизмати учун БҲМнинг 10 фоизи (27 минг сўм)


миқдориди йиғим ундирилади. Маълумотлар реал вақт режимида тайёрланади ва ариза берувчига тақдим этилади. Маълумотнома шахсга доир маълумотлар ошқор этилмаган ҳолда берилади (автотранспорт мулкдори томонидан ўз «Автомобиль тарихи»ни билиш учун йўланган сўровномалар фундан мустасно). Маълумотнома ахборот хусусиятига эга ҳужжат ҳисобланади. Ариза берувчилар Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган исталган автомобиль ҳақида маълумот олиши мумкин.

НИГОҲ

Европа мамлакатларининг кўтарилиши тез орада бошқа мамлакатларга таъсирини кўрсата бошлайди.


Мажбурий сўғурта қилинган шахснинг сўғурта полиси бошқа оила аъзоларига ҳам ўтиши керак.

Санжар ИБРОҲИМОВ.



НАРХИ ОШСА, УЙГА БУҒДОЙ ТЎЛМАЙ ҚОЛАДИМИ?

Россия ва Украина дунёнинг энг йирик буғдой экспортчиларидан саналади. Глобал экспортнинг 30 фоизи шу икки мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Улар биргаликда 112 млн. тоннага яқин буғдой ишлаб чиқаради. Бироқ икки давлат ўртасидаги зиддият туфайли сунгги кунларда жаҳон биржасида буғдой нархи 14 йиллик максимумга етиб, унинг бир тоннаси 430 долларни ташкил этмоқда. Таклиф муаммоси, логистика, туловлар билан боғлиқ таваккалчилик буғдой котировкаларини соат сайин оширмоқда. Хўш, бу ҳолат Ўзбекистондаги буғдой ва ун нархига қанчалик таъсир кўрсатади? Мавжуд тизим нарх барқарорлигини таъминлай оладими?



УРУШ ҲАММАНИ КАМБАҒАЛЛАШТИРАДИ
Рақамларга эътибор қаратамиз. 2021 йилда Ўзбекистонда жами 6 млн. 656 минг тонна буғдой етиштирилган, 616 млн. долларлик буғдой, 158 млн. долларлик ун ва ун маҳсулотлари импорт қилинган. Жорий йилнинг январь ойида эса импорт қилинган буғдой ҳажми 49,1 млн. долларни, ун 8,5 млн. долларни ташкил этди. Ўз навбатида, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши 2022 йил кутилаётган минимал нарх 1 тонна ғалла ҳосили учун 2,5 млн. сўм бўлишини эълон қилди (мазкур минимал нарх тавсиявий ҳаракатга эга).

ЯНГИ ТАРТИБЛАР ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН
Ҳозирги вазиятда турли прогнозлар қилиб, таҳлилларга берилиб ўтириш ярамайди. Иқтисодий ва уруш оқибатида яқин йилларда кузатиладиган молиявий инқирозга тайёрлаб бориш лозим. Буни айнан буғдой ва ун нархи мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

Иқтисодчиларнинг фикрича, Европа бозорига буғдой нархининг кўтарилиши тез орада бошқа минтақаларга ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Жумладан, Ўзбекистон иқтисодий ҳаётида ҳам бу билинмасдан қолмайди. Оддий ўзбекистонликлар истеъмолчи уларок, аввало, истеъмол товарларида буни сезишади. Ун, буғдой, ўсимлик ёғи, гушт каби муҳим озиқ-овқатлар импортида нисозлашаётган тарафлар, қўшни транзит давлатларнинг ўрни юқори. Афсуски, бу уруш ўзи бусиз ҳам мураккаблашиб бораётган логистикани янада қимматлаштиради.

Очиги, бундан бир-икки йил олдин ҳам Ўзбекистонда ғалла етиштириш билан боғлиқ тартиблар деҳқон ва фермерларга қатор қийинчиликларни туғдирарди. Зеро, кўп эшитганмиз, кўрганмиз: фермер давлат режасини бажарган бўлса-да, ҳокимлик ҳосилнинг ортиқча қисмини ҳам тортиб олган, ҳатто эгасининг розилигисиз оғборидан ғаллани олиб чиқиб кетган. Буғдой экилганидан кейин шартномани икки-уч бор, ҳатто ғалла ўрмига бир ой қолганда ўзгартириб, қўшимча мажбуриятлар юқланганини ҳам эшитганмиз. Қолаверса, ғалла етиштириш ва харид қилишга давлат буюртмасининг белгилангани фермерлар имкониятини чеклаб қўярди. Сабаби, харид нархларининг пастиги кўп ҳолларда етиштирилган ҳосилга сарфланган харажатни қопламасди (бозорда буғдой 3 000-3 500 сўм бўлиб турган бир пайтда давлат буғдойни қарийб икки баравар арзон сотиб олишини тушуниш қийин эди).

Утган йили импорт қилинган буғдой ва уннинг деярли 100 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. Аини маҳсулот бўйича бозорларимиздаги нарх-наво қўшни давлатга ҳаддан зиёд боғлиқ. Бироқ, ўз навбатида, бу уруш ўзи бусиз ҳам умуман, мамлакат иқтисодиёти Россияга бевосита боғланган. Бу эса нархларнинг ошишига маълум маънода сабаб бўлиши мумкин. Содда қилиб айтганда, бутунги зиддиятнинг товонини оддий украин ё русларгина эмас, бутун дунё, хусусан, оддий ўзбекистонликлар ҳам ўз чўнтагидан тўлашга мажбур. Уруш ҳаммани камбағаллаштиради.

2021 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида»ги Президент қарори билан юқоридаги каби ҳолатларга барҳам берилиши белгиланди. Эндиликда кластер ва фермерлар ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар майдон ҳисобидан ўртача 2,5 тоннасини эркин биржа савдолари орқали, қолган қисмини туғридан-туғри шартномалар асосида эркин сотиши мумкин, ҳокимликларнинг ғалла етиштирувчилар фаолиятига аралашуви таққиланди.

Январь ойида қанча буғдой уни импорт қилинган?
Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь ойида Ўзбекистонга қиймати 8,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 26,8 минг тонна буғдой уни импорт қилинган.

Буғдой уни импорти ҳажми утган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 2,9 минг тоннага ошган.

2022 йилнинг январь ойида Ўзбекистонга энг кўп буғдой уни импорт қилинган давлатлар:

- * Қозоғистон — 26,6 минг тонна;
- * Россия — 152 тонна;
- * АҚШ — 50 тонна;
- * Италия — 4,2 тонна.

Очиги, бу ўринда битта хавотиримиз ҳам йўқ эмас. Бундан аввал ҳам ғаллага давлат буюртмаси ва харид нархини белгилаш амалиёти бекор бўлган эди. Бу ҳақда алоҳида Президент қарори ҳам қабул қилинган, бироқ ижроси кутилганидек натижа бермади. Хўш, бу гал ҳам шундай бўлмаслигига кафолат борми? Назаримизда, Президент аниқ меъёр белгилаб бердимиз, унга амал қилмаганлар (масалан, ҳокимлар ва турли секторлар) жазоланиши лозим. Қолаверса, ғалла масаласида ҳокимлар аралашувини эртароқ бекор қилиш керак эди. Шунда фермер ғаллани давлатдан яшириш, уруғ, ўғитдан ёки «солярка»дан ўйирлашни эмас, ҳосилни кўпайтириш, фойдани ошириш ҳақида ўйлай бошларди. Мана, пахта борасида бозор тизимига ўтишди-ку, энди фермер, керак бўлса, томорқасига пахта экади. Чунки у бундан манфаатдор. Неча ғалла сиёсатида бу йўлдан юриш мумкин эмас?

БОЗОР ЭРКИНЛАШСА, УН НАРХИ ОШИБ КЕТМАЙДИМИ?

Энди тангнинг иккинчи томонига эътибор қаратсак. Янги тартиб ғалла ва дон маҳсулотлари, аиниқса, ноннинг нархи ошишига сабаб бўлмайди? Мутахассисларнинг фикрича, халқимиз орасида нон нархининг ошиб кетиши билан боғлиқ хавотир бўлиши табиий. Аммо бундай хавотирлар асоссиз. Чунки мамлакатда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирлари ҳам белгилаб олинган. Хусусан, давлат шу мақсадда маълум миқдорда товар ва уруғлик дон харид қилади.

Бу ўринда бошқа жиҳат кишини ўйлантиради. Негадир сийқаси чиқиб кетган амалиёту тартиботлардан ҳеч воз кечолмаямиз. Аксинча, қайта-қайта панд есак ҳам, яна ва яна билган қуйимизни чалғимиз келаверади. Буларнинг жабрини эса ҳар доимгидек оддий одамлар тортади. Масалан, айнан шу ун масаласида нима қилдик? Биржа савдолари орқали сотиб келинаётган унни туғридан-туғри шартномалар асосида, рўйхат бўйича дўконлар, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказиб бериш амалиётига ўтдик.

Албатта, мақсад яхшилигига шак-шубҳа йўқ. Биринчи навли уннинг бир килограмми 2 500 сўмдан рўйхатдаги харидорларга сотилаётганидан хурсанд бўлишимиз ҳам керак аслида. Аммо шу шўринг қўғур рўйхатни ҳокимликлар шаклантирганидан кейин турли даҳмазалар келиб чиқаверади-да. Мисол учун, бир маҳаллада яшаётган 5 минг аҳолига 10 тонна ун ажратилса, шунинг

3 тоннаси аҳолига берилди. Қолгани бозорга 180-220 мингдан чиқарилди. Боз устига, ҳокимлик рўйхатидаги «йшбилармон» маҳсулотни рўйхатдаги барча ҳудудларга олиб бормади, аҳоли гавжум ва қимматроқ сотиш имкони бўлган манзилда сотишга ҳаракат қилди.

Қолаверса, айрим маҳалла раислари кам таъминланганлар учун мўлжалланган ун маҳсулотларини ўз билганича сотди. Мисол учун, Ургут туманидаги «Юқори Қайроқли» маҳалласи раиси С.Ғ. ҳам арзонлаштирилган нархдаги 140 минг сўмлик ун маҳсулотини «Бек-Жамшид» оилавий корхонаси раҳбари Ж.Б. билан келишиб, 155 минг сўмдан сотишни йўлга қўйган. Айрим ҳолларда эса бир қоп унни 145 минг сўмдан сотиш белгиланган бўлса-да, кўлма-кўл сотилиши туфайли учинчи шахс 220 минг сўмга нарх белгилангани ҳам бор гап.

Булардан аён бўладиган ҳақиқат битта: ҳар қанча чекловлар ўрнатилишига қарамай, бозор барибир маҳсулот учун ўз нархини бераверади. Демак, бирмунча шаффоф тизим — биржа савдоларига қайтиш вақти келди.

ЧЕКЛОВЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИР ҚИЛМАЙДИ

Мақола тайёрлаш жараёнида Россия ҳукумати 2022 йил 31 августга қадар буғдой, арпа, жўҳори ва шakar экспортини чеклади. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг бизга берган баёнотида айтилишича, вақтинчалик чекловлар Ўзбекистонда мазкур маҳсулотлар ҳажмига таъсир кўрсатмайди.

Қайд этилишича, 2021 йилда 6 млн. 656 минг тонна буғдой етиштирилган бўлиб, шундан 2 млн. 533 минг тоннаси республика дон захиралари учун жамғарилган, 4 млн. 123 минг тоннаси фермер ва аҳоли ихтиёрида қолган. Утган йил якунига қадар 2 млн. 771 минг тонна буғдой дони ва 357,7 минг тонна ун хусусий сектор томонидан, асосан, Қозоғистон Республикасидан импорт қилинган ҳамда 26,8 минг тонна буғдой дони ва 949,1 минг тонна ун экспорт учун йўналтирилган. 2022 йил ғалла мавсумида эса 7 млн. 679 минг тонна ҳосил етиштириш режалаштирилган.

Вазирлиқнинг ишонтиришича, аҳоли ва корхоналарнинг талабини узлуксиз, етарли миқдорда ва барқарор нархларда буғдой ва ун маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда ички бозорларда нархларнинг кескин ўзгаришининг олдини олиш тўлиқ таъминланган.

Тиббий сўғурта учун пулни касабадан олиш керакми?

Бугунги кунда бемор бўлиш жуда «кўрқинчли». Неча дейсизми? Оддийгина шамоллаб қолсангиз, камида 500-600 минг сўм сарфлашга тўғри келади. Энди бирор жиддий касалликларга кетадиган харажатларни кўз олдингизга келтираверинг. Қанчадан-қанча одамлар яшаб турган уйигача сотиб, яқинларини даволатаётгани ёки бўлмаса, халқдан ёрдам бўлса, мурожаат қилаётгани — бугуннинг энг оғриқли нуқталаридан бири.

Аслида тиббиётимизда ташхис қўйишнинг ўзи бир муаммо. Чекка ҳудудларда яшовчилар даво излаб пойтахтга келишини ҳамма билади. Муаммолар кўп. Тиббиёт ходимларининг маоши камлиги, даволашни ҳар қандай фуқаро учун жуда қимматга тушаётгани, пули йўқлиги боис вақтида даволанмай, касалликнинг охири босқичида мурожаат қилаётганлар, дори-дармонига пул топа олмаётганлар ва ҳоказо.


Хўш, нима қилиш керак? Неча йиллардан буён тиббий сўғурта ҳақида гапирилади. Аммо натижа йўқ. Чунки одамлар тиббий сўғуртага мўплақ ишонмайди ва ортиқча пул сарфлашга хоҳиши ҳам, имкони ҳам йўқ. Бироқ жуда кўп хориж давлатларида айнан тиббий сўғурта туфайли аҳоли учун қўлайлик ва тиббиёт ходимлари учун шароитлар яратилган. Президент қарори билан Давлат тиббий сўғурта тизимини 2021 йил 1 июлдан 2022 йил охирига қадар Сирдарё вилоятида тажриба-синов

тартиқасида апробациядан ўтказиш бўйича соҳа ходимларига муҳим вазифа ва топшириқлар берилган эди. Шунга биноан, «Мажбурий тиббий сўғурта тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тажриба-синов тартиқасида объект сифатида танланган тиббиёт бирлашмаларида янги сўғурта тизими ва уни таъбиқ этишга бағишланган қатор ишлар бошлаб юборилди. Аммо натижа ҳали кўринганича йўқ.

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИМИЗ МУМКИН? Албатта, ҳеч бўлмаганда давлат корхонасида ишлаётганларнинг мажбурий сўғурта қилдириш тизимини яратиш лозим. Буни амалга ошириш учун осон ва маошга таъсир қилмайдиган йўлни танлаш керак. Мисол учун, ягона касоба уюшмасига ҳар йили миллионлаб одамлар бадал пули тўлайди. Яъни маошидан бир фоиз «взнос» ушлаб қолинади. Ҳи-соблаб чиқилганда, бу анча кўп маб-лағ, аслида. Агар бир кишининг мао-ши уч миллион сўм бўлса, бу касоба

уюшмасига бир йилда 360 минг сўм бадал пули тўланишини билдиради. Бироқ йиллар давомида «взнос» тўлаб, ҳеч қандай имкониятдан фойдалана олмаганлар сони талайгина.

БИЗНИНГ-ЧА, мажбурий тиббий сўғуртани айнан касоба уюшмаси орқали амалга ошириш энг қўлай вариант бўлган бўларди. Қандай қилиб дейсизми? Уша туланаётган бир фоиз бадал пулининг ярми мажбурий тиббий сўғурта учун сарфланадиган қилиб қўйиш керак. Бу борада шундай тизим ярати-лиши керакки, мажбурий сўғурта қилинган шахснинг сўғурта полиси бошқа оила аъзоларига ҳам ўтиши керак. Ота-онасига, турмуш ўртоғига ёки фарзандларига ҳеч қандай ор-тиқча тўловсиз амалга оширилиши лозим. Бу мажбурий сўғурта орқали одамларнинг оғири енгил бўлиши, қанчадан-қанча даволана олмаи сарсону саргардон бўлиб юрган юрт-дошларимиз учун имконият бўлади. Агарда сўғурталаш тизими жорий



Нилуфар ЮНУСОВА.

Ҳар гектарига бир марта суғориш учун сарфланадиган 750-900 метр куб сув иқтисод қилинади.

Туман рейтинг кўрсаткичларида «намунали маҳалла» сафига киритилди.

Рустам ЮСУПОВ.

ЁМҒИРЛИ ҲАФТА:

ҲОЛАТ Фойда зарари қандай?

Қиш қуруқ келса, «энди баҳорини берсин» дейишди кексаларимиз. Ўтган ҳафта бошланган ёгингарчилик, бу ҳафта ҳам давом этмоқда. Кутилмаганда қор ҳам ёғди. Ўзгидрометеорология хизмати маълумотларига кўра, март ойининг илк ўн беш кунлигида кетма-кет ёгингарчиликлар бўлиши ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида 12-15 мм., Фарғона водийси вилоятларида 18-20 мм., республиканинг қолган ҳудудларида 20-40 мм., тоғли ва тоғолди ҳудудларда 50-60 мм.дан ортиқроқ ёгингарчилик кузатилди.

Албатта, бу ҳам Аллоҳнинг бир неъматидир. Негаки, жорий куз-қиш мавсуми бироз ноодатий — чангбўронли, баъзан илиқ, баъзан совуқ, ҳудудларнинг катта қисмида эса ёмғир ва қор кўринишидаги ёгингарчилик меъёрдан кам бўлди.

Бироқ тинимсиз ёғатган ёгингарчилик ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайпти. Масалан, 9 март куни Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманидаги «Откамар» маҳалласида ноқулай об-ҳаво шароити натижасида 3 нафар фуқарони ажин урди. Бир нафар фуқаро вафот этди, икки нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди. Айни шу куни Ўзбекистоннинг бир қатор ҳудудларида кузатилган кучли шамол хавфли ҳолатларни келтириб чиқарди. Хусусан, Қашқадарё вилоятидаги Навоий номли маҳаллада жойлашган елим идишлар йиғиш пункти томи учиб кетган, воқеа оқибатида уч киши жабрланиб, шифохонага мурожаат қилган. Яқкабоғ туманидаги Тош, Наврўз қишлоқларидаги хонадонларнинг қўшимча бинолари томлари ҳамда Андижон шаҳрининг Найман кўчасида жойлашган кўп қаватли уйнинг томи бутунлай учиб тушди. Китоб туманидаги Қайнар, Мотмон, Қавзихона қишлоқларидаги симёғочлар қулаган.

11 март куни ҳафта давомида муттасил ёгингарчилик кузатилгани оқибатида Бухоро шаҳридаги «Талипоч қалъа дарвозаси» меъморий ёдгорлигининг чап томонидаги қалъа деворининг бир қисми қулаб тушди. 12 март куни эса А-373 «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг 229,8 км. ҳудудида 300 минг метр/куб ҳажмда қор кўчкиси содир бўлди. Шунингдек, «Тошкент — Водий» йўлининг 6 та жойида тош-туپроқ массаси ўпирилиши ҳамда Тахтақорача доvon йўлининг 1138-1141 километрга қисман ўпирилиши юзага келган.

Меъёридан ортиқ ёмғир ёғиши натижасида Пайариқ тумани «Ғаллақор» маҳалласидаги қурилиши ҳали тўла битказилмаган кўприкни сел ювиб кетди. Бундай селлар Фориш, Кўшработ, Китоб, Деҳқонobod туманларида ҳам кузатилди. Тошкент ва Сирдарё вилоятининг кўплаб ҳудудларида эса қаттиқ дўл ёғиб ўтди.

СУВ ОМБОРЛАР СУВГА ТўЛАДИ, БИРОҚ...

Шубҳасиз, ёгингарчиликнинг қишлоқ хўжалиги экинларига фойдаси катта: туپроқнинг ҳайдов қатлами



Кечаги ёққан дўлни ҳисобга олмасак, тинимсиз ёғатган ёмғир бугунги кунда гуллаш фазасига кирган урик, шафтоли, бодом боғлари ҳосилдорлигига зарар етказмайди.

намга тўйинади, ғалла майдонларининг ҳар гектарига бир марта суғориш учун сарфланадиган 750-900 метр куб сув иқтисод қилинади. Бунинг ҳисобига сув омборларига йиллик истеъмол учун сув захиралари йиғилади.

Бироқ узлуксиз ёгингарчиликнинг ҳам ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам бор, хусусан, энди гуллаган ва мева тутган дарахт ҳосилига яхшигина зарар келтирди.

Хўш, тинимсиз ёгингарчиликнинг қишлоқ хўжалиги экинларига сизу биз билмаган яна қандай салбий таъсирлари бор?

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Нигора Хўжаева, «хонадонбай» кўра, бугунги кунда об-ҳаво шароитида ғалла майдонлари эрта баҳорги азотти ўғитлар билан озиклантирилган бўлса, ривожли тезлашади, аммо озуқа етарли бўлмаган майдонларда ғалла ниҳолларининг ривожли сусаяди ҳамда униб-ўсишга қувват етмаганидан сарғайиб

кетishi эҳтимоли мавжуд.

Эрта баҳорда ҳавонинг нисбий намлиги 60 фоиздан юқори бўлиб, ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 7-15 даража илиқ бўлганда, сариқ занг касаллиги, агар ушбу намликда ўртача кунлик ҳаво ҳарорати 15-25 даража бўлганда эса кўнгр занг касаллиги кенг тарқалишига шароит яратилади. Серёгин келган йилларда ғаллазорларда замбуруғли касалликлар (сарик ва кўнгр занг, ўн шудринг, септариоз, илдиз чириш) кенг тарқалиши кўп йиллик тажрибаларда кузатилган. Шунингдек, эрта баҳордаги етарли намлик ва нисбатан иссиқ об-ҳаво ғаллазорларда бегона ўтларнинг жадал ривожланишига олиб келади.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

— Аввало, ғалла майдонларида суғориш тартибига солиш лозим, — дейди Нигора Хўжаева. — Агарда суғоришга эътиборсизлик қилинадиган бўлса, дала шароитида намлик юқори бўлиб, ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар ва турли хил бегона ўтларнинг ривожланишига имкон яратилади. Сизот сувлари яқин жойлашган ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган ҳудудларда касалликларнинг олдини олиш учун доимий кузатув ишлари олиб борилади. Республика ҳудудларида бугунги кун шароитида, ғаллачиликдаги зарарнинг олдини олиш мақсадида занг ва бошқа касалликларга, бегона ўтларга ҳамда зараркунанда ҳашоратларга қарши кимёвий курашнинг учун 1,5-2 марта тулқ ишлов беришга етарли кимёвий воситалар захираси яратилган. Далага чиқиб имконияти бўлиши билан ғалла майдонларида тулқ профилактика ишлов бериш ишлари амалга оширилади.

ЧИГИТ ЭКИШДА-ЧИ?

Ҳабарингиз бўлса, ҳар йили март

ойида пахта дала майдонларига чигит қадаш ишлари бошланади. Хўш, бу йилги об-ҳаво серёгин келганда чигит экиш ишлари қандай ташкил этилади? Мутахассисларнинг таъкидлашича, туپроқда намликнинг меъёрдан кўп тулланиши чигит экиладиган майдонларда туپроқнинг намлик режимига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, чигит экиш учун кузда шудгор қилиб қўйилган майдонларда ерда намлик захираси ошиб, чигитни туپроқнинг табиий намлигида ундириб олиш имконини беради.

Қувонарлиси, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг 440 минг гектардан ортиқ шўри ювиладиган пахта майдонларида баҳорги ёгин-сочин сувларидан шўр ювиш ишларида фойдаланиш яхши самара беради. Бунда тупроқнинг механик таркиби ва ерларнинг шўрланиш даражасидан келиб чиқиб, шўр ювиш учун олинган поллар ёмғир ва сел сувлари билан тўлиб, қарийб бир мартагача шўр ювиш учун сарфланадиган дарё сувларининг тежалишига эришилади.

Бундан ташқари, республика бўйича 332 минг гектар пушта олиб, нам суви бериб чигит экиладиган Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Наманган, Жиззах, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудларида кузда ва эрта баҳорда олиб қўйилган

Бежизга қишлоқ хўжалиги экинларига тўхталмадик. Негаки, учириб кетган томни тиклаш, ўпирилган йўлларни таъмирлаш, йиқилган симёғочларни қайта ўрнатиш мумкин, лекин энг муҳим озуқамиз ҳисобланган қишлоқ хўжалиги экинлари талофатини қоплаш мушкул. Йўл транспорти ва коммунал соҳадаги ёмғирли муаммолар эса шу соҳа мутахассисларининг масъулиятига боғлиқ.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, томорқа ер эгалари, фермерлар, кластерлар ҳамда агрономлар ўз ўрнида зарур тадбирларни қўлласа, тинимсиз ёғатган ёмғирлар асосий озиқ-овқат захирамизга зиён етказмайди. Шундай экан, энди баҳорини берсин, баҳорини...

пушталар ёмғир суви билан тўлиб, табиий намлик захираси яратилади.

Бироқ кетма-кет ёгин ёғиши ҳисобига баҳорги далада бажариладиган агротехник тадбирлар — ер текислаш, пушта олиш, пуштани суғориш, экиш олди ерга ишлов бериш (бороналаш) ва экиш ишлари мақбул муддатлардан кечикади. Бундай пайтларда чигит экишда деҳқон ва фермерлар, кўп йиллик тажрибага эга бўлган олим ва мутахассислар тавсияларига ҳамда илгор тажрибаларига таянган ҳолда ишларни ташкил қилиш керак бўлади.

Унутмаслик керакки, баҳорнинг илиқ кунларида чигит экиш ишлари бир кунга кечиктирилса туپроқнинг 1 см.даги намлиги, агар 3-4 кунга кечиктирилса 3-4 см. қатламидаги намлик кўтарилиб (буғланиб) кетади.

БОҒ ВА ТОҚЗОРЛАРГА ҲОИДАСИ БОР

Кечаги ёққан дўлни ҳисобга олмасак, тинимсиз ёғатган ёмғир бугунги кунда гуллаш фазасига кирган урик, шафтоли, бодом боғлари ҳосилдорлигига зарар етказмайди. Фақат чанглиниш муддатини секинлаштириши мумкин. Қолган мевали боғларимиз бугунги кунда гуллаш фазасида эмаслиги сабабли зарари кузатилмайди.

ФАКТ: республикамизда барча тоғфа хўжаликларига жами 337 минг гектар боғлар ва 182 минг гектар узузморлар мавжуд.

Фойдали томони шуки, охириги 2020-2021 йилларда янги барпо этилган 88 минг гектар мевали боғлар ва 75 минг гектар узузморларнинг туپроқдаги намлик ҳисобига илдиз тизими яхши ривожланади. Айниқса, лалми ерларда парваришланаётган боғларнинг ер ости сувлари захираси таъминланади.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

ЎЗГАРИШЛАР ОРЗУЛАРНИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНТИРДИ

Оила — жамиятнинг энг қўйи ва асосий бўғини ҳисобланади. Шу боис биргина оилада тинчлик ва хотиржамликнинг бузилиши бутун жамиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Муқаддас кўрғонни барпо этишда масъулият билан ёндашилса, эрта турмуш, мажбуран ёки бойлик ва мансаб учун оила қуриш каби иллатлар йўқолса, оилавий зўравонлик ва можаролар ҳам камайган бўлар эди. Маҳалламизнинг Ойлавий кадриятларни мустаҳкамлаш комиссиясининг олиб борган ишлари муваффақиятли бўлиб, ҳеч қандай ажралишлар, жиноятлар содир этилмади. Туман рейтинг кўрсаткичларида «намунали маҳалла» сафига киритилдик.

Биргина ўтган йил давомида 27 нафар оила яраштирилди. Қўни-қўшни, ака-укалар, қариндош-уруғлар ўртасидаги 10 нафар низолар маҳалланинг

ўзида ечимини топди. «Маҳалла — слоҳотчи» тамойили асосида «Маҳаллабай», «хонадонбай» ишлар ташкил этилиб, ҳудудга бириктирилган банк ходимлари ва турли масъул ташкилот вакиллари иштирокида «хонадонбай» ишланиб, «Аёллар дафтари», «Темир дафтар» ва «Ешлар дафтари» шакллантирилди.

Маҳаллий бюджетдан 14 нафар аёлга соғлигини тиклаш ва фарзандларини даволатиш учун пул маблағлари ажратилди. Уқув курсларида ўқитилган 16 нафар аёлга тадбиркорликни бошлаши учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Ҳудудда тикувчилик, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида 7 та кичик тадбиркорлик цехлари барпо этилди. Ушбу корхоналарда 20 яқин фуқаролар иш билан таъминланди.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази 13 нафар кам таъминланган оиланинг томорқасига субсидия асосида 1 сотихли



иссиқхона қуриб берди. Ишсиз фуқароларнинг 32 нафарига эса деҳқончилик қилишлари учун ҳудудимизда жойлашган фермер хўжаликларидан 20 сотихдан ер ажратилди. Қувонарлиси, маҳалламизда 2 та хусусий нодавлат

мактабгача таълим муассасаси, 1 та уй боғчаси фаолияти йўлга қўйилиб, 60 нафарга яқин болажонларни ўз бағрига олди. Маҳалламизнинг ишсиз 12 нафар хотин-қизлари ҳам ушбу боғчаларда ишли бўлишди. Маҳалла гузарига очилган

спорт тўғарагида 30 нафарга яқин бола кураш билан шугулланмоқда. Бундан ташқари, гузарда новвойхона, сомсахона, ошхона, чойхона, озиқ-овқат ва саннат маҳсулотлари дўконлари ҳамда дорихона қурилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

ЯНА БИР ЯНГИЛИК:

кўчаларга сув тармоғи тортилиб, 680 нафар аҳоли ичимлик сув билан таъминланди. 500 метр чикки кўча асфальтланди.

Яқинда иш бошлаган ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан ҳамжиҳатликда маҳалламизнинг ўсиш нуқтаси — деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида ишлаш истагини билдирган 29 нафар фуқарога 10 сотихдан 10 ил муддатга ер ажратиб бердик. Улар эртаки картошка экишди.

Бундан ташқари, маҳалладошларимиздан 18 нафари иссиқхона, 40 нафари қўй-эчки, 10 та хонадон парранда, 4 та хонадон асалари ва қўён боқши истагини билдирган, аини пайтда фуқароларимиз истагини амалга оширяптимиз. Асосий мақсадимиз — обод ва хавфсиз маҳалла барпо этишидир. Шу мақсад сари интиляптимиз.

Соодатхон ТОШЛАНОВА, Жалақудуқ тумани «Жалақудуқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳам уйғониш вақти келди.

«Обод қишлоқ» дастурига тушиб, йиллар давомида тўпланиб қолган коммунал соҳадаги муаммолар ечим топмоқда.

ГАРОВОСИЗ КРЕДИТ

Русам ЮСУПОВ

КИМЛАРГА АЖРАТИЛАДИ?



юбориб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган ва хорижга қочиб кетишган.

Бундай ҳолатлар ресурсларнинг банка қайтишини камайтириб, янги кредит ажратишга тўсқинлик қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкларга таъминотчиларга пул маблағларини ўтказиб беришда қийинчиликлар яратмоқда. Банкирлар эса кредитларни йиғиш учун қимматли вақт ва асабларини сарфлаб, уйма-уй дарвоза тақиллатиб юришга мажбур бўлишмоқда.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Авалло, чорва ва парранда кредитларини ажратишда юқоридоғи каби хатоликларга йўл қўйилмаслиги лозим. Бу борада маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ҳар бир хонадон эгаларининг яшаш шароитларидан, қизиқиш ва интилишларидан келиб чиқиб йўл тутиши лозим. Бунинг учун аҳоли орасида кўпроқ тарғибот-тушунтириш ишлари олиб бориши зарур.

Иккинчидан, аҳолига таъминотчи танлашда яқиндан кўмаклашиш лозим. Масалан, фуқаро бозордан ўзи хоҳлаган молни эмас, таъминотчидаги бор молларни 1,5-2 баравар қимматида олишга мажбур бўлди. Оқибатда аксарияти кредит тўловини вақтида тўла олмайди, банк ходимлари эса қарздорнинг эшигини тақиллатишдан беэи кетди. Ҳатто кредитга олган молни аллақачон бозорга чиқариб сотиб юбориб, пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлар ҳам бўлди.

Ўтган. Негаки, бир-икки йил олдин ҳам аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилиб, қорамол ва паррандалар берилганди. Афсуски, ушбу имтиёزلардан ҳамма мақсадли фойдаланди, дея олмаймиз.

Кредит ажратиш ва уни қайтариш масаласида бир қатор чалкашликлар бўлди. Масалан, фуқаро бозордан ўзи хоҳлаган молни эмас, таъминотчидаги бор молларни 1,5-2 баравар қимматида олишга мажбур бўлди. Оқибатда аксарияти кредит тўловини вақтида тўла олмайди, банк ходимлари эса қарздорнинг эшигини тақиллатишдан беэи кетди. Ҳатто кредитга олган молни аллақачон бозорга чиқариб сотиб юбориб, пулини ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлар ҳам бўлди.

Айрим таъминотчилар эса сектор раҳбарлари бошчилигида кам таъминланган аҳолига сон-саноксиз қўйларни «ура-ура»чилик билан тарқатишди. Натияжада таъминотчилар банк ва сектор раҳбари ўртасида сарсон бўлиб, пулини ололмади юришди. Шундай ҳолатлар ҳам кузатилдики, кредитга олинган қўйлар, товўқлар вақт ўтиб, ўлиб қолди. Фуқароларнинг қорамол ва парранда учун олган кредитни бошқа мақсадларга ишлатиб юборишганлари ҳам бор гап.

Айрим ҳолатларда эса «учар»лар қишлоқлардаги кам таъминланган оилаларни алдаб, уларнинг номига кредит расмийлаштириб, қорамолларни бозорда пуллаб

Президентимизнинг 2021 йил 16 декабрдаги «Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли, 7 фоизли кредитлар ажратилмоқда.

Мазкур кредитлар томорқа ер эгаларига 100 бошдан парранда, 5-10 бошдан қурка, 20 бошдан қўён, 5-6 бошдан қўй ва эчки, 5 тадан асалари уяси, интенсив усулда балиқ боқишни йўлга қўйиш, ихчам иссиқхоналар, «дала дўконлари» қуриш, артезиан қудўқларини қазитиш, кичик интенсив боғдорчилик, лимончилик ва узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик йўналишларида **6 ой имтиёзли давр билан 3 йил муддатга** берилади.

Яна бир янгилик: маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра «Томорқа хизмати» МЧЖларга уруғлик ва кўчат, мотокультиватор ва минитрактор, инкубатор харид қилиш ҳамда айланма маблағ учун 300 миллион сўмга гаровсиз кредит ажратилади. Боғдорчилик, узумчилик, қўчатчилик ва лимончилик йўналишларида **3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга** ажратилади. Шу билан бирга, томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омбор-

хоналарни жиҳозлаш, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг **30 фоизи миқдорида, бироқ 150 миллион сўмдан ортқ бўлмаган ҳажмда субсидия** берилади.

ҚАЙСИ БАНКДАН, ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

Мазкур кредитлар «Агробанк», «Микрокредитбанк», «Халқ банки»нинг ҳудудий филиаллари томонидан ажратилади. Кредит олиш учун эса Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилинг ва электрон рақамли имзо олинг ҳамда **oilakredit.uz электрон платформа орқали ариза беринг.** Ушбу масалада сизга ёрдам керак бўлса маҳаллангиздаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилинг. Имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда кредит олинг ҳамда ўз бизнесингизни бошланг.

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ

Сутдан оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичади деганларидек, бундай имтиёзли кредитлардан халқ ҳам, банк ҳам, таъминотчи ҳам қайсидир маънода бир синовдан

Томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг **30 фоизи миқдорида, бироқ 150 миллион сўмдан ортқ бўлмаган ҳажмда субсидия** берилади.

таъминотчи қуриб берган иссиқхонаси ёки олиб берган қўй-эчкиси, қўён, асалари, товўқ, қурка, хуллас, ҳар бир маҳсулотига 1 йил кафолат бериши зарур. Бу масала шартномада ҳам алоҳида курсатилиши лозим. Шунда таъминотчилар ҳам фақат «соққа» қилишни эмас, елкасида мажбурий борлигини ҳис этишади. Энг муҳими, бу жараёнларда ҳокимлар ёки масъул раҳбарларга тегишли таъминотчиларга йўл қўймаслиқ зарур. Йўқса, улар истасанг шу, истасанг катта куча дея, бозор нархидан 2-3 баравар қиммат маҳсулотларини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Учинчидан, воҳа томонларга водий томорқачиларининг илғор тажрибаларини кенг ёйиш лозим. Бунинг учун ҳоким ёрдамчилари бош-қошигида тажриба алмашиш ҳафталигини йўлга қўйиш зарур. Керак бўлса, водийлик томорқачиларга ҳар бир ҳудуддан ёки ҳар бир маҳалладаги самарасиз фойдаланилаётган хонадонлардан томорқа ер майдонлари ажратиб, дўстона тажриба орттириш майдонини яратиш лозим. Шунда водийликлар ҳам, воҳалик томорқа ер эгалари ҳам яхшигина даромад орттиришади. Натияжада тажрибали, ишбилармон, тадбиркор томорқачилар сони кARRасига ошади.

Энг муҳими, давлат бюджетидан ажратилаётган миллиард-миллиард пуллар кимларнингдир чўнтағига ёки шахсий манфаатига эмас, ишсизларни ишли қилишга, сизу бизнинг даромадимизни оширишга, фаровон турмуш кечиршимизга хизмат қилиши шарт ва зурар. Бу борада номи бору ўзи йўқ Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳам уйғониш вақти келди.

БУНЁДКОРЛИК

1500 та йиш ўрни яратилди

Фаргона водийсининг марказида жойлашган Ўрмонбек қишлоғи XIX - асрнинг иккинчи ярмидан аҳоли манзилгоҳи сифатида рўйхатга олинган. Ўрмонбек қишлоғида бугунги кунда учта маҳалла фуқаролар йиғини - улардан бири «Мумтоз» маҳалласида 4 минг нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилмоқда.

Замира НУРИДДИНОВА, Балиқчи тумани «Мумтоз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Аҳоли сони кундан-кун ўсаётган маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кейинги беш йилда асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Маҳаллада 500 иш ўринли трикотаж фабрикаси фаолияти йўлга қўйилди. 1000 та иш ўрнига эга пахтани қайта ишлаш корхонаси бунёд этилмоқда. Тадбиркорлар томонидан савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилиб кетма-кет ишга тушириляпти. Қишлоққа шиша толали тармоқда юқори тезликдаги интернет алоқаси кириб келди.

«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»нинг илк ойдан Балиқчи туманидаги маҳаллалар-

да кенг кўламада ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. «Мумтоз» маҳалласи аҳли ҳам бу жараёнда фаол қатнашмоқда. Қувонарлиси, маҳалламиз «Обод қишлоқ» дастурига тушиб, йиллар давомида тўпланиб қолган коммунал соҳадаги муаммолар ечим топмоқда.

Маҳалла кўчалари, хонадонларда ҳам иш қизғин. Ички кўчалар бетон ва асфальт қопламаси ётқизишга тайёрланяпти. Электр, газ тармоқлари таъмирланмоқда. Босқичма-босқич минг иш ўрнига эга пахтани қайта ишлаш корхонаси бунёд этилиб, жиҳозланмоқда. Ичимлик суви тармоқлари тортиляпти. Сектор раҳбари, туман про-



курори Баҳодиржон Усмонов бошчилигида масъул мутасаддилардан иборат илчи гуруҳ ҳар куни маҳаллада бўлиб, амалий ёрдам беришмоқда. Натияжада маҳалла кундан-кун чирой очяпти. Андижонликларга хос бизнинг маҳаллада ҳам ишсизлик деярли йўқ. Негаки, тадбиркорларимиз куп. Бир-

гина, «Тожмаҳал» текстиль корхонамизда 150 нафардан ортқ аёллари миз банд. Корхонада тайёрланаётган спорт кийимлари, аёллар ва эркеклар кийимлари тўғридан-тўғри Туркияга экспорт қилинмоқда.

Маҳалламизда иссиқхона ҳам яхши ривожланмоқда. Аини пайтда

50 дан ортқ хонадонда иссиқхона бор. Уларда помидор-бодиринг, лимон ва турли кўчатлар етиштирилмоқда.

ЯНА БИР ЯНГИЛИК:

тадбиркоримиз томонидан хусусий шериклик асосида янги маҳалла идораси қурилди. Замонавий шароитларга эга бинода маҳалла ходимларига зарур шарт-шароитлардан ташқари, компьютер маркази, сартарошхона, тикувчилик каби хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш йўналишлари ишга туширилиб, қўллаб-қўйиш иш уринлари ҳам яратилди.

«Ecosity» чиқинди қутиларини оммалаштириш ҳам бюджетга, ҳам атроф-табиатга фойда эмасми?

Маҳалла, маънавий-маърифий қадриятларимизни оммалаштириш

ЧИҚИНДИ МУАММОСИНИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИШ КЕРАК?



Бугунги кунда чиқинди бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон ҳам бу масаладан четда эмас. Урбанизация жараёни жадаллашиб, шаҳарлар кенгаяётган, аҳоли сони ўсаётган ва унинг эҳтиёжини қондириш учун миллионлаб турдаги товарлар ишлаб чиқарилаётган бир пайтда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларнинг утилизацияси энг катта экологик муаммога айланмоқда.

Мақсадбек ФАЙЗ

Ўзбекистон учун янада оғриқли масала, бу — чиқиндиларни қайта ишлашгача бўлган жараёнда маиший чиқиндиларни тўплаш билан боғлиқ муаммодир. Шаҳарда бунинг йўли осон. Яъни бозордан олиб келган маҳсулотимизни музлатгичга жойлағач, елим пакетларни челақка ташлаймиз. Кечқурун челақни чиқинди тўплаш жойига олиб бориб, бўшатамиз.

Аммо қишлоқда бу масала оғирроқ. Жуда экологик маданияти етарли бўлса, қишлоқ чеккасидаги чиқинди уюмига ташланади. Йўқса, ақсариятимиз чиқиндини тўғри келган жойга улоқтираемиз. Сал шамол турса, пакетлар қора қузғун сингари ҳавога кўтарилади. Йўл чети, аҳоли пунктлари, далаларда — инсоннинг нигоҳи етган жойда енгил шабодада «бир-бирини қувлаётган» пакетларни кўрасиз. Чунки уларни алоҳида топширишга рағбат йўқ. Балки шунгадир чиқиндини йўл четига ташлаб кетиш осонроқ.

МУАММОНИ ФАҚАТ МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИВ БЎЛМАЙДИ

Жорий йил 2 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев чиқиндилар билан

ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айтилган мавзу бўйича асосли таклифлар билдирганди. Жумладан, Ўзбекистонда маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажминини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Шу билан бирга, бу муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги таъкидланган. Чиндан ҳам, аввало, одамлар онгидан она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш керак. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаш нотўғри, деган тасаввур уйғотиш лозим.

Яна бир муаммо — маҳаллаларда аҳоли чиқиндиларини олиб чиқиш ҳам қониқарли эмас. Мисол учун, Қорақалпоғистонда 10 фоиз, Фарғона ва Қашқадарёда 20 фоиз чиқинди қайта ишланади, ҳолос. 781 та маҳаллада чиқиндиларни олиб чиқиш масаласи ҳал этилмаган. Аҳолининг бу соҳадаги хизматлар бўйича дебитор қарздорлиги ҳам кўп. Масалани ўрганганимизда ҳар икки томон бир-бирини айблашига гувоҳ бўламиз. Аҳоли хизмат кўрсатувчи корхонадан норози,

Ягона инновацион чиқинди қутига қузув камераси ўрнатилган, кейинчалик ўрнатиладиганларини ҳам қузув камералари билан жиҳозлаш режалаштирилган.

хизмат кўрсатувчи эса аҳолини айблади.

Мутахассислар фикрича, тиббиёт ва таълим муассасалари, бозорлар учун 19 минг дона чиқинди контейнерларига эҳтиёж бор. Қурилиш чиқиндисини полигонлари ташкил қилинмай, улар йўл, дала ёки дарё бўйларига ташлаб кетилмоқда.

Худди шу каби маҳалла, массив ва хиёбонлар ҳудудидаги барг ва дарахт шоқларини йиғиштириш билан шуғулланадиган мутасадди йўқ. Бу масалани ҳамма бир-бирига ташлаш билан овора. Маҳалла «ЖЕК» ни айбласа, аҳоли маҳалани «қора» қилади.

2020 ЙИЛДАГИ ЛОЙИҲА НЕГА ИЗСИЗ КЕТДИ?

2020 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги яхши ташаббус кўрсатганди. Вазирлик қошидаги Илгор технологиялар марказининг Тижоратлаштириш ва технологиялар трансфери бўлими етакчи мутахассиси Рустам Ибрагимов «Ecosity» чиқинди қутиларини ишлаб чиққан ва тақдиротда афзалликларини санаб берганди. Жумладан, чиқинди қутиларининг ҳар бирига LED экранлар ўрнатилган, лекин улар ортиқча сарф-харажат талаб қилмайди. Сабаби қутиларнинг юқори қисмига қуёш батареялари ўрнатилади.

Экранларда чиқиндини тўғри келган ерга ташлаш хато экани ҳақида ижтимоий роликлар ва турли рекламалар жойлаштирилади. Рекламалар учун тадбиркорлар тўлаган пулни эса чиқиндиларни олиб кетадиган ҳудудий ободонлаштириш бошқармалари ходимларига иш ҳақи сифатида бериш, кейинги қутиларни ўрнатишга сарфлаш мумкин.

Бундан ташқари, ягона инновацион чиқинди қутига қузув камераси ўрнатилган, кейинчалик ўрнатиладиганларини ҳам қузув камералари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Бу камералар ИИБ билан интеграция қилинади ва ўша ҳудуд хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради. Қутиларга бепул Wi-Fi қурилмалари ўрнатилиши ҳам режалаштирилган.

Икки йил аввалги лойиҳа амалга тағбиқ этилса, давлат бюджетидан чиқинди-

лар учун сарфланадиган пуллар тежалиши айтилганди.

Ушанда режага кўра, лойиҳани аввал пойтахтда, сўнг вилоятларда оммалаштириш белгиланганди. Аммо бугунги кунда мана шу лойиҳа тақдирини ҳам негадир мавҳум бўлиб қолган. Балки ушанда бу лойиҳани молиялаштириш муаммо бўлганди. Бироқ бугунга келиб, юқоридаги каби лойиҳаларни амалиётга тағбиқ этишга имкон яратилди. Айни ўша йиғилишда маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажминини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилган экан, бунинг молиявий манбалари ҳам белгилаб берилганди. Хусусан, импорт қилинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона божидан 3 йил муддатга озод этилиши, саралаш ва қайта ишлаш техникалари хариди учун 5 йилгача имтиёзли кредитлар ажратилиши, қайта молиялаштириш ставкасидан ошган қисми қоплаб берилиши белгиланган. Туман ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик асосида шундай корхоналар ташкил этиш, ҳудудлар учун 500 та махсус транспорт олиб келиш, ижтимоий муассасалар ва бозорларга қўшимча контейнерлар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилганди.

Ҳўш, мана шу имкониятлар асосида нега ўзимизнинг мутахассислар яратган лойиҳаларни амалга тағбиқ этмаймиз?

Четдан сотиб олгандан кўра, ўзимизнинг «Ecosity» чиқинди қутиларини оммалаштириш ҳам бюджетга, ҳам атроф-табиатга фойда эмасми?

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ РАҲБАРИГА!

Ўзбекистонга фақат ЗАҲАРИ БОР маҳсулотлар керакми?

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 14 июлдаги «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида» қарорига кўра, «БИОАЗОТ» биоўғитини ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, шу мақсадда «ВИАОАЗОТ-Н» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди. Утган вақт давомида жамият томонидан қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди, қўлаб биологик ўғитлар яратилди.

«БИОАЗОТ-Н», «БИОАЗОТ+» шулар жумласидан. Уларнинг асоси азот тўловчи, касалликларга қарши курашувчи фойдали бактериялар. Афзаллиги — арзон, самарали, захар ва минерал ўғит қўлланилмайди. Деҳқон 4,5-5 миллион сўм харажат қилмай, жуда босса, 650-700 минг сўм билан экинини озиклантиради.

Аммо мана шу лойиҳа бугун тўсикларга учрамоқда. Бу ҳақда Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти катта илмий ходими, биология фанлари доктори, «ВИАОАЗОТ-Н» МЧЖ директори Бахтиёр Расулов маълум қилмоқда.

— Илмий ишнинг бир йўналиши қишлоқ хўжалигида захарларсиз ва минерал ўғитларсиз БИОЛОГИК ЎҒИТЛАР асосида деҳқончиликни йўлга қўйиш, ОРГАНИК МАҲСУЛОТ етиштиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишдан иборат, — дейди Б.Расулов. — Наманган вилоятидаги «ARTSOFT CLUSTER HOLDING» кластери органик пахта толаси, калава ва бўғди учун органик маҳсулоти сертификатини олишда бизнинг биотехнологиямиз ва биомаҳсулотларимиздан фойдаланган. Яна бир қанча кластерлардан шундай буюртмалар тушган. Масала шундаки, янги биоўғитимизни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воси-



талари Давлат кимё комиссиясига (ҳозирги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги) 3 йил аввал (!) топширганмиш. Дала синовларидан ўтган (2020 йилда!), санитария-эпидемиология хулосаси олинган. Лекин ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ходимлари устимиздан очқиқчасига кулмоқда: «фалон хўжжат йўқлиб қолди, нусхаси керак, фалон нарса етишимаяпти, тайёрлаш керак...»

Битта валломатига савол бердим: «Менга қара, одамларни рақ қиладиган, хромасома мутацияларигача олиб келган захарларни ўтказдинг, ҳеч қанақа зарари йўқ нарсани нега ўтказмайсан!?»

Деҳқонлардан сўранг, қанақа захарлар кириб келган! Бир вақтлар Ўзбекистон беҳиси дунёнинг олди меваси эди, «КАРАТ» деган захар билан беҳи дарахтлари қийратилди. Одамда ирсий нуҳсон келтириб

чиқарадиган «Циперметрин» ҳам ишлатилди (бу захарнинг одам хромасомалари бўзилиши-абберациясига олиб келишини айнан бизнинг лабораторияда исботланган!). Яна қанча захарларни келтирай? Ўша захарларга ҳам рухсат бергансизлар, нимага биологик маҳсулотга бунчалик тўсик? Яна бир гапим: четдан кириб келадиган захарларни назорат қиладиган юқори ташкилот борми? Бор бўлса қайси ташкилот? Ўша ташкилот ёки идорага ўзим текинга ишлаб бераман. Қайси захарнинг таркиби қандай, нима учун келтириляпти, унинг салбий оқибатлари нималарга олиб келади. Лабораториямизда текинга текшириб ҳам берамиз.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги раҳбарига шу ердан туриб мурожаат қилиш менга маъқул кўринди. Балки гапларим бу сафар жиддийроқ етиб борар.

Вазифамиз қишлоқ хўжалигида

қўлланадиган, экологик тоза ва арзон нархларда биологик ўғитлар ишлаб чиқариш эди. Шу мақсадда янги таркибли «БИОАЗОТ+» биоўғитини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рўйхатдан ўтказишга 2020 йилда Давлат кимё комиссиясига топширилган эди. Дала синовлари Шолчилик институти илмий ходимлари томонидан Тошкент ва Хоразм вилояти шароитларида ўтказилди, ижобий натижалар ҳисобот шаклида комиссияга тақдим этилди. Лекин, шунга қарамай, «БИОАЗОТ+» биоўғити тақдирини номаълумлигича қолмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўллаш учун хорижда синтез қилинган қанчадан-қанча захарли кимёвий моддалар рўйхатга олинган ва рухсат берилган бир ҳолда, миллий биологик маҳсулотга ҳалигача рухсат берилмайди. Ўша захарлар, минерал ўғитлар ўрнини босадиган миллий илмий ишланма нега эътибордан четда қолаётгани тушунарли.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида органик маҳсулот етиштиришга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Органик маҳсулот эса захарларсиз ва минерал ўғитларсиз биологик воситалар ердамида етиштирилади.

- Жамият раҳбари, биолог олимнинг эътирозлари қанчалик тўғри? Агар рост бўлса, агентлик нима учун тўсқинлик қилмоқда?
- — Ҳақиқатан ҳам биоўғитни рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш восталари Давлат кимё комиссиясига 2020 йилда мурожаат қилнган, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги мутахассиси Шавкат Худойбердиев. — Бизнинг агентлик 2021 йилда ташкил этилган. Ўша пайтдаги жараён билан танишганимизда синов муваффақиятли ўтган. Аммо Хоразмдаги синов бўйича хулоса берилмаган. Айни шу сабабли ҳам биоўғитга гувоҳнома берилмай қолган. Қуни кеча Б.Расулов билан учрашиб, ҳолатни тушунтирдик. Шу камчилик бартараф этилса, гувоҳнома берилишини маълум қилинди.
- Демак, муаммо тез орада ҳал бўлиши кутиляпти. Агар шундай бўлса, олим таъкидлаганидек, деҳқонларимиз нисбатан арзон биоўғитга эга бўлишда ва етиштирган маҳсулотлари инсон саломатлигига фойдали бўлади.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa yu'i
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2019 йил 24
сентябрда 0019 рақами
билан давлат рўйхатидан
ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири
Рустам ЮСУПОВ
Саҳифаловчи:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Котибият: 71 237-56-80,
Факс: 71 233-10-73.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчами — 350x587, 4 босма табоқ.
5000 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-318
1 2 3 4 5 6
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.